

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

АГРОКИМЁ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК:631.125.551

**5A410101- “Агротупроқшунослик”**

**ОТЕУЛИЕВ ЖАҚСЫЛЫҚ БЕГДУЛЛАЕВИЧ**

**АМУДАРЁ ҚУЙИ ОҚИМИДА ТАРҶАЛГАН СУГОРИЛАДИГАН  
ТУПРОҚЛАРНИНГ ГИДРОМОДУЛЬ РАЙОНЛАШТИРИШ  
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЎРГАНИШ.**

мавзусидаги магистр академик даражасини олиш учун ёзган

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар:  
биология фанлари номзоди,  
доцент X.Номозов

ТОШКЕНТ – 2015 йил

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>КИРИШ.....</b>	<b>5-8</b>
<b>I. Адабиётлар шарх.....</b>	<b>9-13</b>
<b>2. Тадқиқот олиб борилган худуднинг табиий иқлим шароитлари.....</b>	<b>14-21</b>
2.1. Иқлим шароити.....	14-21
2.2. Геоморфологияси, литологияси, рельефи.....	21-22
2.3. Гидрогеологияси, гидрологияси.....	22-25
2.4. Тупроқга инсон фаолияти.....	25-27
<b>3. Тажриба ўтказиш шароити ва услублари.....</b>	<b>28-31</b>
3.1. Тажриба тизими .....	28-31
3.2. Тажриба далаларида ўтказилган агротехник тадбирлар.....	31-32
3.3. Навлар бўйича маълумотлар.....	32-33
<b>4. Тадқиқот натижалари.....</b>	<b>34-38</b>
4.1. Тажриба даласи тупроғининг агрофизикавий хоссалари .....	34-38
4.2. Тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий таркиби .....	38-40
4.3. Тажриба дала тупроғининг туз режими .....	40-43
4.4. Тупроқ-мелиоратив ва гидромодул туманлаштириш .....	44-48
4.5. Фўза тажриба далалари тупроғи суғориш олдидан тупроқнинг намлигининг ўзгариши.....	49-50
4.6. Фўза навларининг мақбул суғориш тартиблари.....	50-53
4.7. Фўза навларининг ўсиши ва ривожланишига суғориш режимининг таъсири.....	53-56
4.8. Янги фўза навларининг илдизининг ривожланиши .....	56-57
4.9. Суғориш усуллари, тартибларнинг фўза хосилдорлиги ва хосил сифатига таъсири.....	57-60
<b>5. Орол денгизи ҳавзаси суғориладиган тупроқлари ҳолатини белгиловчи асосий деградация жараёнларининг экологик мелиоратив холати.....</b>	<b>61-68</b>
Хулосалар.....	69-70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71-77
Иловалар.....	

## **Қисқартирилган бирликлар ва терминларнинг номи**

ЎзҚХИИЧМ)-Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш маркази  
 ЎзПИТИ-Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти  
 ҚҚДИТИ-Қорақалпогистон дехқончилик илмий-тадқиқот институти  
 Йй-йиллар  
 ЭҲМ-Электрон ҳисоблаш машина  
<sup>0</sup>C- Цельсия градус  
 УЭТ-Умумий эфектив температура  
 ЧДНС-чекланган дала нам сифими  
 НС-Нам сифими  
 СИУ-Сув истъемолчилари уючмалари  
 ФХК-Фермер хўжалиги кенгаши  
 ФХ-Фермер хўжалиги  
 ГР-Гидромодул районлаштириш  
 СН-Сўлиш намлиги  
 НКК-Намликнинг капилияр қўтарилиши  
 ҲО-Ҳажм оғирлиги  
 СО-Солиштирма оғирлиги  
 Г-Ғоваклиги  
 %-Фойиз

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

<b>Факултет</b>	Селекция, уруғчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш	<b>Магистратура талабаси</b>	Ж.Отеулиев
<b>Кафедра</b>	Агрокимё ва тупроқшунослик	<b>Илмий раҳбар</b>	Х.Номозов
<b>Ўқув иили</b>	2013-2015	<b>Мутахассислик</b>	Агротупроқшунос- лик

**Магистрлик диссертацияси аннотацияси**

- Мавзунинг долзарбилиги.
- Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.
- Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.
- Тадқиқот обьекти ва предмети.
- Тадқиқот услубияти ва услублари.
- Тадқиқотнинг фаразлари.
- Тадқиқотнинг илмий янгилиги.
- Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.
- Иш тузилиши ва таркиби.

**Илмий раҳбар:**

**Х.Номозов**

**Магистратура талабаси:**

**Ж.Отеулиев**

## Кириш

**Мавзунинг долзарбилиги.** Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг аграр соҳасида бутунлай ўзгаришлар бўлди: фермер хўжаликлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари тузилди. Ҳозирги пайтда давр тақозаси билан ер-сув, энергиядан тежамли фойдаланиб, табийй шароитни муҳофаза қилиб, қишлоқ хўжалигини юритишди фан негизида ёндошиш талаб этилмоқда.

«2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш дастурини амалга оширишни таъминлаш чора тадбирлари» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 майда ПҚ-1758 сон қарори чиқди. Бу қарорни бажариш юзасидан мажмуи тадбирлар ишлаб чиқилди. Айтиб ўтиш жоизки сўнги 10 йилликда Ўзбекистонда сув танқислиги ҳар 6-8 йилда бўлмоқда ва Қорақалпоғистонда сув танқислиги 2000-2002, 2008-2009 ва 2011 йилларда бўлди. Бу йиллари қишлоқ-хўжалиги кўп миқдорда иқтисодий зарар кўрди. Сув танқислиги асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2009 йил 23-февралда «Сув ресурсларини ҳисобга олиш, оқилона бошқариш, уларни иқтисод қилиш ва самарали фойдаланиш» масалалари бўйича № 04/03-11-8 сонли баённома қабул қилинди.

Бу баённомада гидромудул тизими асосида экинларни суғориш тартибини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Сабаби ҳозирги вақтда қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари, ЎзПИТИ олимлари томонидан 1991 йили тузилган гидромудул районлаштириш ва экинларни суғориш тартиби бўйича қўлланмасидан фойдаланилмоқда.

Ҳозирги вақтда дарё сувидан фойдаланиш бўйича кўп камчиликлар мавжуд. Қорақалпоғистонда бир мажмуи-гектар суғориладиган ерларга 20-25 минг м<sup>3</sup>/га сув сарфланмокда. Ўзбекистон бўйича бу кўрсаткиш 10-12 минг м<sup>3</sup>/га сув миқдорига teng. Гидромудул районлаштириш ва ғўзани суғориш тартиби бир неча этапларда ўтказилди. Дастлаб гидромодул районлаштириш катта минтақаларда тузилиб чиқилди, кейин вилоятлар бўйича ишланиб

уларга гидромодул туманлар ва худудларга бўлинди, дехқончиликнинг суғориш тартиби ишланиб чиқилди. Бу ишлар ўз вақтида қишлоқхўжалигини ривожлантиришда ижобий таъсир этди.

Аммо ҳозирги вақтда сув-ер ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш ўзгарди. Ҳавзалар ва каналлар бўйича сувни бошқариш, сувдан фойдаланувчи уюшмалар ва фермер хўжаликлари тузилди. Сувдан фойдаланувчи уюшмалар 40-50 фермер хўжалиги ерларини сув билан таъминлайди ва сувдан фойдаланишни кўзатиб боради. Шу туфайли сувдан фойдаланувчи уюшмалар асосида гидромудул районлаштириш ва экинларнинг суғориш тартибин қайта ишлаб чиқиши долзарб масала бўлмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Марказий Осиё бўйича гидромудул районлаштириш принцплари В.М Легостаев, В.Е.Еременко (1961) томонидан биринчи маротоба ишлаб чиқилди. Кейинги йиллари В.Р.Шредер (1968), Н.Ф.Беспалов (1971) ва бошқалар томонидан Ўзбекистоннинг иқлим шароитига мос келувчи гидромудул районлаштириш услублари ва ғўза комплексини суғориш тартиблари илмий тадқиқот ишлари асосида янгиланди. 1980-1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси вилоятлар шароитида гидромудул районлаштириш ва экинларнинг суғориш таркиби ишланиб ўз натижаларин берди. Булардан Фаргона вилояти бўйича В.Лев ва М.Мирзаахмедов, Сурхондарё вилояти бўйича А.Э.Авлиёқулов (1994)., Қашқадарё вилояти бўйича А.Мирзаев (1979)., Хоразм вилояти бўйича В.Нерозин, М.Хамидов (1976)., Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Б.С.Мамбетназаров (1991) ва бошқалар томонидан бажарилди.

Ҳозирги вақтда ердан ва сувдан фойдаланувчилар ўзгарди: фермер хўжалиги, сувдан фойдаланувчи уюшмалар тузилди, ерларни мелиоративлик ҳолати яхшиланди, фермерлар сувдан, ердан, ўғитдан, фойдаланишда тежамкор услубга ўтди. Фермерларнинг талабига мос янги ғўза навлари тавсия этилди. Бу навларини турлича биологик хусусиятларига мос агротадбирларни муккамал тажрибада синалиб юқори сифатли ҳосил

берувчи янги ғўза навларини танлаб олиш ва гидромодул районлаштиришни ва сугориш тартибини янгилашни талаб қилинмоқда

Шу туфайли эски гидромудул районлаштириш ва сугориш тартиби ҳозирги замон талабига мос келмайди. Эскидан қабул қилинган гидромодул районлаштириш ва экинларнинг сугориш тартиби қайтадан кўриб чиқишини тақозо этади, янги тузилган фермерлар ва сувдан фойдаланувчи уюшмалар шаротида ишлаб чиқилмаганлиги ушбу мавзуни танлашимизга асос бўлди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Фермер хўжаликлари, сувдан фойдаланувчи уюшмалар тузилиши билан уларга сувдан фойдаланиш бўйича гидромудул районлаштириш услугбларин ишлаб чиқиш ва гидромудул районлаштирилган ғўза навларидан самарали ва юқори ҳосил олиш, шур ювиш ишлари, агротехник тадбирларга асосланган сугориш меъёрларин аниқлаш ва ердан, сувдан ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигин ошириш бош мақсад бўлмоқда.

### **Тадқиқот вазифалари.**

- 1.Фермер хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчи уюшмалари сугориладиган ерларининг табийий шароитларини ўрганиш
- 2.Гидромодул районлаштириш қоидаларини, услугбларининг назарий асосларин такомиллаштириш
- 3.Ғўзага ишлатиладиган мажмуи тадбирлар асосида тупроқда намликтининг ўзгариши, унинг ўсимликнинг фойдаланиши ва тупроқ намлигининг физикавий хусусиятига, гидромодул туманларга боғлиқ ўзгаришини аниқлаш

**Тадқиқот обьекти.** Қарақалпоғистон Республикасининг суформа ерларида экиладиган, ғўзанинг «Чимбой-5018», «Дўстлик-2» навлари.

**Тадқиқот предмети.** Ғўзанинг экиш муддатлари, ўғитдан фойдаланишни, кучат қалинлиги ва бошқа агротехник тадбирлар асосида гидромодул туманлар бўйича сугориш тартиби.

**Тадқиқот ўтказиш услубияти ва услублари:** Қарақалпақстан Республикасида Чимбой туманида утлоқли-аллювиал тупроқларида олиб борилди.. Илмий тадқиқот ишлари, кузатиш, ҳисоблаш ва тахлиллар

ЎзПИТИ нинг «Методы проведения полевых опытов» (1961) ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007). Олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг (1985) услуби бўйича математик таҳлил қилинади.

**Тадқиқот фаразлари.** Қорақалпоғистон Республикасидаги сувдан фойдаланувчи уюшмалари, фермер хўжалиги ерларининг гидромодул районлаштириш ва мажмуи агротадбирлар асосида янги ғўза навларини мақбул суғориш тартиби қўлланилса юқори ва сифатли ҳосил этиштириш мумкин.

**Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий тадқиқот ишлар 2013 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон дехқончилик илмий тадқиқот институтининг марказий тажриба хўжалигига «Янги тизимдаги мелиоратив минтақа гидромудул худудлар бўйича районлаштирилган (андоза), истиқболли, янги-ўрта-ингичка толали ғўза навларини қўчат қалинлиги, сув-ўғит (NPK) меъёр-нисбатлари, суғориш тадбирларини илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш», (Қорақалпоғистон Республикаси шароитида). ўтказилмоқда. Ер, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва сақлаш, ҳайдаладиган ерларда тупроқ унумдорлиги ва мелиоратив жараёнларни бошқаришнинг экологик соғ ва юқори самарадор технологияларини яратиш, атроф муҳит муҳофазаси, ташки муҳитни стресс омиллардан ҳимоя қилиш ва экологик ҳавсизлик муаммоларни ҳал этиш.

**Диссертация иши тузилиши ва таркиби –** Диссертация иши 72 бет бўлиб, кириш, адабиётлар шарҳи, тупроқ-иклим шароитлари, илмий-тадқиқот натижалари, хуносалар, 1 та расм, 27 та жадвал, фойдаланилган адабиётлар руйхати 77 та, 5 та сайтдан иборат.

**MINISTRY OF AGRICULTURE AND WATER RESOURCES  
OF THE UZBEK REPUBLIC  
TASHKENT STATE AGRARIAN UNIVERSITY**

<b>Faculty</b>	Selection, seedbriding and plant protection	<b>Master student</b>	J. Oteuliyev
<b>Chair</b>	Agrochemical and soil science	<b>Scientific superrisor</b>	X.Nomozov
<b>Academic years</b>	2013-2015	<b>Speciality</b>	Soil science

**Annotation of masters dissertation.**

- Theme of the apegee.
- Problem degree of study.
- Purpose of investigation and missions.
- Be fulfilled following in task.
- Object and place of investigation.
- Research supposition.
- Research scientific news.
- Research theoretical of result and practical importance.

**Scientific supervisor**

X.Nomozov

**Master student**

J. Oteuliyev

## ANATATION

**Theme of the apegee.** Set one self as on object 2013-2014 years take somewhere our scientific research for along time water the field virgin londs exchange sowing of the cotton-wheat influence. For this purpose field experiment of the virgin londs and sow area under crop wheat strow and food composition, mikrobiology active as well as development and influence study at direct of the firtele.

**Problem degree of study.** Republic and foreign country (G.Edmand (1929), K.Tyler (1959), I.T.Turopov (1975,1976,1994,2002,2012), Sh.T.Holikhulov, O.S. Saidmurodov (1985), Orexov B.I., 1954, Lazapev S.F., 1957, Aresrovskaya T.V., 1972, Niyozaliev B.I. 1989, Xayitov M. 2003, Abduraimov O. 2003) by plant agriculture various material with physicist soil, water, air, heat and food order, plants increase and narrate education bearing on growth influence.

But virgin lands in winterconditions don't study stems of cotton, strow of wheat and plants siderat with property of national physicist soil, humidity and food order, activity of mikrobiology as well as development of plants.

Purpose of investigation and missions. Various in agriculture of plants cheap and take of high harvest, feed and pleasing to feature – properties of upper, soil as well as difeferent remains of plants miscellaneous expenses, manpower of engineering, measure of fertilizer, and way study raise the level of crop in the soil.

### **Be fulfilled following in task.**

- Studying in the soil natural climatic of conditions.
- Studying in the experience of area of indicator marfogeretic, agrophysicist and agro chemistry.
- Clear up an influence virgin londs of irrigate in soil food and humid regimed.
- Clear up a dynamics their by year in seosons and activity of microbiology in the virgin londs of microbiology in the virgin londs of irrigate.
- Clear upna fertile of cotton influence.

**Object and place of investigation.** Be fulfilled on the basis of manual in the Stateinstitute field in the experiment Uzbekistan institute of the cotton scientific research. Be fulfilled scientific analysis UzPITI (2007) and Arinushkina's "chemical analysis of soil".

**Research supposition.** Tashkent region Yangiyul district virginlands of irrigate soils condition plants of agriculture rich harvest, of high quality and growing harvest in the tomorrow, remains of plant surface is soil mulchafertilitynb of soil and influence positive plants fertility of agriculture.

**Research scientific news.** Tashkent region Yangiyul district virginlondes of irrigate soils conditions plants of agriculture upper and high harvest stems of cotton, wheat straw and siderat plants with study of the way mulcha.

**Research theoretical of result and practical importance.** Virginlonds of irrigate soil is stems of cotton, wheat straw and siderat remains of plantswithmulcha is soil of fertility, agriculture plants of intensive increase, development and provide with increasing the crop capicity of the fields. This agrotechnician support as a result of the plant's growth, development and provide, increasing the crop copa city of the fields microbiology is process's rapidity in the soil make clear in the rate raise the level of gumus soil in the component.

## 1.АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Суғориш сувларининг танқислиги сезилаётган, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш зарурияти юзага келган ҳозирги кунда суғориш сувларидан илмий асосланган суғориш усулларидан фойдаланиш, бундан ташқари агротехник усулларни қўшиб олиб бориш Ўзбекистон Республикаси шароити учун жуда муҳимдир. Суғориш ишларида тежамкор технологияларни жорий килиш, исьемол сувини сифатли бўлишини таъминлаш жаҳон фани олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Суғоришни ғўза ривожланишининг даврларига тўғри тақсимлаш катта аҳамиятга эга. Гуллашгача бўлган даврдаги ортиқча сув тупроқнинг энг унумдор юқори қатламида ўқ илдиз системасининг кучли ер ости қисми ривожланишига ёрдамлашади ва бу келгусида энг муҳим гуллаш, ҳосилга кириш даврларида сув билан таъминланишининг етишмаслигига олиб келади

**С.Н.Рыжов** [45] ғўзанинг суғориш меъёри ва микдорини белгилашни назарий жиҳатдан асослаб берди. У ғўзанинг асосий массасини 1 метр атрофида тарқалишини, сувнинг асосий қисми эса бўй ғланиш учун 30-90 см чуқириқдан олинишини аниқлади. Шунинг учун суғорганда тупроқнинг 100 см чуқурлиқдан намлашнинг зарурати йўқ к деб кўрсатди. С.Н.Рыжов сув исъемол қилишни табақалаштирганда асосан механик таркиби турлича бўй лган тупроқнинг физик хусусиятига, унинг дала нам сиғими ва вегетация даври бошида ҳамда охиридаги тупроқ намлиги асосланади.

**С.Н.Рыжов** [46] усулида суғориш муддатини аниқлаш, ҳар хил тупроқларда турлича бўй лган мутлоқ абсалют намлиги бўй йича эмас, балки энг кам сув сиғимидан фоизлар билан акс эттирилган намлиги бўй йича асосланган.

А.Г Безбородов [9] кўп йиллик тадқиқотлари натижасида янги суғориладиган кучсиз шурланган, енгил ва ўрта кумок, бўз ўтлоқи тупроклари шароитида ғўзани суғоришнинг макбул режими суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % бўлганда ушлаб туриш учун

мавсумий сугориш меъёри  $1500\text{-}2000 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлган 0-1-1 схема бўйича 2 марта сугориш ўтказиш яъни ғузанинг гуллашгача ва пишиш даврларида сугориш ижобий самара беришини кўрсатишган.

К.М Мирзажонов., Н.Э Малабоев., Д.Д Умаровларнинг [37] таъкидлашларича Ўзбекистоннинг Орол бўйида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти, Туркманистоннинг Тошовуз вилоятлари ерларининг мелиоратив ҳолатига сизот сувлари сатҳи ва шурланиш даражаси жиддий таъсирини кўрсатди. Орол бўйи сизот сувлари сатҳининг тартиби ирригация хўжалик ишлари турига боғлиқ бўлиб яхоб суви берилганда, вегетация даври давомида у кўтарила боради, сугориш тўхтатилиши билан аста-секин туша бошлайди.

К.М.Бейсенбоев ва Н.Ф.Беспаловларнинг [8] узоқ йиллар тадқиқотлари натижасида, кейинги 5-6 йил ишида Амударё ва Сирдарё қўйи этакларида сугорилиб келинаётган ерларда шурланиш даражаси сезиларли даражада ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

М.Хамидовнинг [59] ўтказган тажрибалари асосида аниқлашича, грунт сувлари сатҳи 1,2-1,6 м бўлган кам шурланган ўтлоқи оғир қумоқ тупроқ намларда ғў за етиштирилганда сугоришлардан олдинги намлиги -ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % бўлганда энг қўй лай шароит юзага келар экан. Тупроқнинг бўйнадай намлик режими озиқлантирувчи сугориш ва 1-3-0 тизими бўйича 4 та сугоришлар олиб бориб сугориш меъёрлари  $700\text{-}900 \text{ м}^3/\text{га}$  ва  $4200 \text{ м}^3/\text{га}$  мавсумий сугориш меъёри (озиқлантирувчи сугоришни ҳисобга олган ҳолда) орқали юзага келтирилади.

А.Ядгаров [59] нинг ҳисоблашича, Сурхондарё вилоятининг бўйз тупроқлари учун сугориш олди тупроқ намлигини оптимал режими пахтанинг ингичка толали С-6037 ва Сурхон-2 навлари учун сугоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65 % бўлганда 1-4-1 ва 1-4-2 схемалари бўйича 6-7 марта сугориш ўтказилиб, сугориш меъёрлари  $82,9\text{-}1006 \text{ м}^3/\text{га}$  ва мавсумий сугориш меъёрлари  $6800\text{-}7200 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлиши лозим, ўрта толали “Тошкент-1” ғўза нави учун эса (сугоришлардан

олдинги тупроқдаги мақбул намлиги ЧДНС-га нисбатан 70-70-60 % бўйланда) 1-3-1 схема бўйича 5 марта суғориш ўтказилиб суғориш меъёрлари  $999-1158 \text{ м}^3/\text{га}$  ва мавсумий суғориш меъёрлари  $5600-6000 \text{ м}^3/\text{га}$  бўй лди.

Қ.Исабоев, М.Хамидов ва Д.Алиеваларнинг [23] ўтказган дала тадқикотлари асосида аниклашларича, куйи Амударёнинг ўтлоқи тупрокларида ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланиши ва қўпроқ пахта ҳосилини йигиши учун энг қулай шароит суғоришлардан олдинги тупрок намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % бўйланда, ғўза гулга киргунча 0-50 см да, гулладгдан пишиш давригача 0-70 см да ва пишиш даврида 0-50 см да бўйланда яратилар экан.

Қорақалпоғистон Республикасининг сизот сувлари 1,5-3,1 м чуқурликда жойлашган олдиндан суғориладиган ўтлоқи механик таркиби бўйича ўрта қумок тупрокларида ғўзани суғоришнинг макбул режими суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80 % ҳисобланади. Суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-80 % бўйланда ушлаб туриш учун мавсумий суғориш меъёри  $2377 \text{ м}^3/\text{га}$  бўйлан 1-3-0 схема бўйича 4 марта суғориш ўтказиш керак бўйлан. Ғузанинг гуллагунгача бўйлан даврда сувга бўйлан талабини ўргангандан кўпгина тадқиқчилар бир мунча олдин суғориш ижобий самара беришини қўрсатишган. (М.Азизов., Т.Таумуратов., М.Пирманов.,)

Б.С.Мамбетназаров [14] ўз ишларида кайд этишларича, грунт сувлари 1,6-3,9 метр чуқурликда жойлашган Қорақалпоғистон Республикасининг оғир қумок тупрокларида пахтанинг энг юкори ҳосили (43,3 ц/га) суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % бўйланда, ушлаб турилганда олинган бўлиб, бунинг учун мавсумий суғориш меъёри  $3100 \text{ м}^3/\text{га}$  бўйлан 1-4-0 схема бўйича 5 марта суғориш талаб қилинган.

Н.Ф.Беспалов [1] кўп йиллик қўзатишлар натижасида аниклашича, ўрланмаган тупрокларда суғориш олди намлигининг макбул режими ЧДНС

га нисбатан 70 (85)-75-65 % бўлганда, ингичка толали пахта навлари учун эса суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70 (75)-75-65 % ни ташкил этар экан. Шўрланган тупрокларда суғоришлардан олдинги тупрок намлиги ЧДНС га нисбатан 75-80-65 % бўлганда, амалга оширилиши лозим.

Сизот сувлари сатхининг кўтарилиши билан бирга тупроқ ҳисобий қатлам намлиги ҳам ўзгаради. Грунт сувлари 2-3 м да жойлашган суғориладиган ерларда тупроқ ҳисобий қатлами биринчи суғориш учун 50 см ни, иккинчи ҳамда охиргиси (етилиш даврида) учун 0-70 см ни ва қолган ҳамма суғоришлар учун 0-100 см ни ташкил этади. Грунт сувлари сатхи 3 м гача жойлашган тупроқ ҳисобий қатлами суғоришлар учун ғўза гуллаши бошлангунча ва етилиш даврида 0-50 см га teng деб олинади, гуллаш-ҳосил туғиши даврида эса 0-70 см га тенгдир. Суғориш олди намлик режими ва тупроқ ҳисобий қатламини ҳисобга олган ҳолда суғориш меъёри 500 дан то 1200 м<sup>3</sup>/га гача ўзгариб туради.

Курбанова Г.А., [11], кўп йиллик тажрибалари асосида тупроқнинг (ҳисобий қатламларида), суғоришдан олдинги мавжуд намлиги, дастур асосида белгиланган миқдорда сақланган ҳолда ундаги фарқ ЧДНС га нисбатан 0,5-1,5 % дан ошмаган. Биринчи амал суви бошланиш санаси йиллар бўйича 65-65-60% намлик тартибида вариантлар бўйича 2-6 июнга; 70-70-60% тартибида эса вариантлар бўйича 29 май-2 июн кунларига тўғри келган ва суғориш муддатининг охирги саналари тегишлича ушбу вариантлар ва намликларда 11 август, 8 октябр; 18 сентябр-10 октябрга тўғри келган. Суғоришлар орасидаги кунлар ЧДНС га нисбатан тупроқ намлиги 65-65-60% бўлган вариантларда гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 26-28 кунни, намлик 70-70-60% бўлганда эса 18-24 кунни ташкил этди.

Тупроқ намликлари бўйича тегишлича 5-6; 6-7 марта суғориш, 0-(1)-2(3)-2; '0(1)-3(4)-2 тизимларда ўtkазилган Амал суви меъёри гуллашгача 780-850 м<sup>3</sup>/га (65-65-60%), 760-780 м<sup>3</sup>/га (70-70-60%); гуллаш ҳосил тўплашда 1050-1480 м<sup>3</sup>/га (65-65-60%); 980-1360 м<sup>3</sup>/га (70-70-60%); пишиш даврида эса

намликлар бўйича тегишлича - 760-740 м<sup>3</sup>/га; 720-920 м<sup>3</sup>/га, мавсумий суғориш меъёрлари 65-65-60% намлик тартибида-[4950-5460 м<sup>3</sup>/га; 70-70-60% да эса -5070-5650 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этди. Суғоришлар давомийлиги гуллашгача - 20.00 соат, мин.дан 1 24.10; гуллаш - ҳосил тўплашда: - 29.05 дан 46.40 соат, мин; пишиш даврида эса: 23.20-40.10 соат, мин.га тенг бўлган.

**В.М.Легостаев ва Коньков** [27] тупроқ ва гидрогеологик шароитларига боғлиқ ҳолда 800-1000 м<sup>3</sup>/га суғориш меъёрларини тавсия этишади. Шурланган ерларда тупроқ қоришимасининг юқори концентрациясини пасайтириш мақсадида ҳисобига қарши бир-неча катталашган суғориш меъёрини тавсия этишган.

**Э.И.Самандаров** [52] Хоразм вилоятидаги қадимдан суғорилиб келинган кучсиз шурланган ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида “Меҳнат” ғўза навидан юқори ва сифатли пахта ҳосили этиштириш учун ҳар бир гектар ерда 78-80 минг кўкат қолдириб (60\*20-1), унга 200 кг азот, 120 кг фосфор, 200 кг меъёрида калий ўғитлари бериш, суғориш 0-3-1 схемаси бўйича (биринчи сув 900 м<sup>3</sup>/га, кейингилари 2000 м<sup>3</sup>/га меъёрида) суғоришни таъкидлайди

**М.М.Саримсоқов** [53] Самарқанд вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида плёнка остида экилган “Оқдарё-6” ғўза навидан юқори ҳосил олиш учун тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % тартибда сақланиши, суғоришлар сони об-ҳавонинг келишига боғлиқ ҳолда 4-5 маротаба 1-2-1 ва 1-3-1 тизимида ўтказилишини ҳамда мавсумий сув сарфи гектарига 5000-5800 м<sup>3</sup>/га меъёрда берилиш мақсадга мувофиқдир.

**Адабиётлар** шарҳидан маълум бўлдики, ғўзани суғориш соҳасида олимлар томонидан жуда кўп илмий ишлар бажарилган, лекин янги ғўза навларини суғоришда гидромодул районлари бўйича фермер хўжалиги ерларида ва сувдан фойдаланувчи уюшмалар ерлари асосида жуда кам илмий ишлар бажарилган ва Қорақалпоғистон Республикасида кенг камровли бу илмий ишлар деярли бажарилмаган.

## 2. Тадқиқот олиб борилган худуднинг табиий иқлим шароитлари.

### 2.1. Иқлим шароити

Қорақалпоғистон Республикасининг иқлим шароити бўйича кейинги йиллари Орол денгизининг қуриши мунособати билан ўзгаришларга олиб келмоқда. Нукус, Чимбой ва Кунғирод метеостанцияларининг 1960-2013 йиллардаги маълумотига кўра ҳаво ҳарорати  $1,0-1,8^{\circ}\text{C}$  га қўтарилишини кўрамиз. (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

Ҳаво ҳароратининг кўп йиллик маълумотлари,  $^{\circ}\text{C}$

Йиллар	Метеостанциялар		
	Чимбой	Нукус	Кунград
1960-1970	10,8	11,5	10,8
1970-1980	10,8	11,5	10,7
1980-1990	11,5	12,8	12,5
1990-2000	11,9	12,8	12,8
2000-2013	12,0	12,9	12,9

2.1.2-жадвал маълумоти бўйича қиши ойларида (январ-феврал) совук ҳаво ҳарорати пасайиб, июн ойларида ҳаво ҳароратининг кўп йилликга нисбатан ўртача  $1,6^{\circ}\text{C}$  кўпайганлигидан маълумот беради.

2.1.2-жадвал

Чимбой метеостанцияси маълумоти бўйича ҳаво ҳароратининг ўзгариши,  $^{\circ}\text{C}$

Йиллар	Ойлар												Ўртача йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
1980	-6,5	-6,2	0,5	10,3	18,6	24,0	27,1	24,8	18,7	10,3	3,5	-1,9	10,3
1990	-6,3	-5,3	1,2	11,9	20,1	26,8	26,4	25,3	19,0	12,0	1,0	-3,1	10.8
2013	-6,4	-5,6	1,1	11,9	20,3	26,9	27,0	25,6	19,2	12,2	-2Д	-3,2	10,7

Ҳавонинг нисбий намлиги Нукус, Чимбай, Кунғирод метеостанцияларининг 1960-2013 йиллардаги маълумотига кўра ҳавонинг нисбий намлиги камайиб бораётганлигин кўриш мумкин. (2.1.3-жадвал).

### 2.1.3-жадвал

Ҳавонинг нисбий намлиги, %

Йиллар	Метеостанциялар		
	Чимбой	Нукус	Кунград
1960-1970	65,2	58,0	64,9
1970-1980	61,0	59,8	63,3
1980-1990	59,8	58,6	64,2
1990-2013	59,7	59,8	63,4

1960-2013 йиллари Муйнақ метеостанцияси маълумоти бўйича ёғингарчиликнинг камайганлигидан далолат беради. Ёғингарчилик миқдори камайишини Чимбой метеостанцияси маълумоти бўйича ҳам кўриш мумкин. (2.1.4-жадвал).

### 2.1.4-жадвал

Ёғингарчилик миқдори, (Чимбой метеостанцияси маълумоти бўйича), мм

Йиллар	Ойлар												Ўратача Йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
1961-1986	9	10	13	18	8	7	5	4	5	13	12	9	113
1986-2013	9	7	13	14	17	3	3	2	3	8	8	9	96

Қорақалпоғистон Республикасининг иқлим шароитининг йиллик ўртача ҳарорати  $+13,3^{\circ}\text{C}$ ,  $+13,9^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. 2.1.4-жадвал маълумоти бўйича қишининг уч ойи давомида совук бўлади. Чимбой тумани метеостанцияси маълумотларига кўра январ ойида ўртача ҳисобда ҳавонинг ҳарорати  $-2,8 -9,6^{\circ}\text{C}$ , июн ойида бир кеча кундузда ўртача ҳавонинг ҳарорати  $+27 +28^{\circ}\text{C}$  иссиқ бўлади.

Худуднинг иқлим режимига бир томондан Қизилқум қумларидан келадиган иссиқ ҳаво ҳаракати, иккинчи томондан Амударё сув режими таъсир қиласи. Қиши қаттиқ келган айрим йилларда ҳавонинг энг паст ҳарорати  $-31\text{-}32^{\circ}\text{C}$  совуқни ташкил қиласа, энг иссиқ ойларда ҳавонинг юқори ҳарорати  $+40\text{+}45^{\circ}\text{C}$  га етади. Энг иссиқ ойлар: июн, июл, август, энг совук ойлар эса декабр, январ ва феврал ойлари ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маданий экинларни экишга кечки баҳор совуқлиги катта ҳавф туғдиради. Ҳаво ҳароратининг катта миқдордаги самарали қисми кечроқ бўлади, март ойлари охири ва 1-апрелда ҳавонинг ҳарорати  $10\text{-}15^{\circ}\text{C}$  дан ошмайди.

Кейинчалик бу ҳавонинг ҳарорати кескин ўсиб кетади ва натижада вегетация даври бўйича ҳаво ҳароратининг йигиндиси  $2660\text{-}2780^{\circ}\text{C}$  бўлиб, иссиқ кунлар даври 201-208 кунни ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикасининг иқлим хусусиятларига кўра кескин континентал бўлиб, ёзи узун иссиқ, куз нисбатан илиқ, қиши давомий, куруқ совуқ ва деярли қорсиз бўлади. Тупроқ 0,3-0,7 метргача музлайди. Баҳорда ҳавонинг ҳарорати барқарор бўлади, баъзан кескин исийди, баъзан кескин совийди. Шундай вақтлар ҳам бўладики, март ойи деярли қишига ўхшаб кетади. Йиллик ёғин миқдори жуда кам  $90\text{-}100$  мм ёғингарчилик бўлади. Ёғингарчиликнинг кўп қисми асосан баҳорга туғри келади. Бу ердаги ёғингарчиликнинг сизот сувларини таъминлашдаги роли катта эмас. Республиканинг йилнинг иссиқ даврида ҳавонинг намлиги кам бўлади. Ёз фаслида ҳавонинг нисбий намлиги кундуз соат  $13^{00}$  да  $30\%$  ва ундан камроқга тушади. Ҳавонинг куруқлиги ва қуёшнинг интенсив радиацияси кучли буғланишига олиб келади. Қорақалпоғистон худудида сув юзасидан йиллик бўғланиш ўртacha  $1000\text{-}1200$  мм ни ташкил қиласи ва ёғин миқдоридан 8-10 мартағача кўпdir.

Тадқиқот ўтказилган 2013 йил ҳавонинг ўртacha йиллик ҳарорати  $13,3^{\circ}\text{C}\text{-}14,1^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қиласи. Ҳавонинг ўртacha йиллик нисбий намлиги 54

%, шамол тезлиги 3,1-3,3 м/сек ни, йиллик ёғин миқдори 97,4- 108,0 мм ни ташкил қилди.

### 2.1.5-жадвал

#### Чимбай метеостанцияси маълумотлари

Йил	Ўртacha ойлик ҳаво ҳарорати °C												
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Ўртacha йиллик
	-7,1	-4,9	2,5	11,5	19	23,0	25,8	23,9	17,6	9,5	2,4	-3,8	10
Ўртacha ойлик абсолют ҳаво намлиги, (мм)													
	3,1	3,5	8,1	8,1	10	15,5	18,9	17,7	12,9	8	6,3	4,4	9,5
Ўртacha ойлик ёғингарчилик миқдори, (мм)													
	10	9	18	16	11	7	3	3	2	6	10	12	108
Ўртacha ойлик шамол тезлиги, м/сек													
	4,2	4,7	5,1	4,7	4,9	4,2	4,1	3,7	3,6	3,6	3,9	4,3	4,2

Чимбой тумани иқлим шароитига кўра дехқончиликга талаф этиладиган агротехник талабларни ишлаб чиқишида қўйидаги маълумотларга келамиз.

Январ ойида ҳавонинг ҳарорати  $-2,8^{\circ}\text{C}$  –  $1,7^{\circ}\text{C}$  бўлиб, ҳавонинг нисбий намлиги 70-78, шамол тезлиги 3,4-3,6 м/сек ни ташкил қилди. Ёғин миқдори эса 2,4-35,8 мм ни ташкил этди.

Феврал ойида ҳавонинг ҳарорати  $-5^{\circ}\text{C}$  -  $+2,8^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қилган бўлса, ҳавонинг нисбий намлиги 69-72 %, шамол тезлиги 3,2-3,7 м/сек на ва ёғингарчилик миқдори 1,4-14,1 мм га teng бўлди.

Март ойида ҳавонинг ҳарорати  $5,9^{\circ}\text{C}$  –  $9,7^{\circ}\text{C}$ , ҳавонинг нисбий намлиги 56-59 % шамол тезлиги 3,5-4,1 м/сек ни ва ёғин миқдори 5,9-75,8 мм ни ташкил этади.

Апрел ойида ушбу кўрсаткичлар мос равишда  $16,2-16,3^{\circ}\text{C}$ ,  $7,5-42,5$  мм,  $45-59\%$  ва  $3,6-4,6$  м/сек ни ташкил қилди. Бу ойда чигитни экишга яхши имконият яратилди ва агротехник талабларга мос кучатлар олинди.

Май ойида ёғин миқдори  $10,5-10,7$  мм га тенг бўлиб, ҳаво ҳарорати эса  $21,9-22,8^{\circ}\text{C}$ , ҳавонинг нисбий намлиги  $36-42\%$  ни ва шамол тезлиги  $3,0-3,8$  м/сек ни ташкил қилди, лекин айrim қунлари унинг тезлиги  $15-20$  м/сек ни ташкил етади.

Июн ойи иссиқ келиб ҳавонинг ҳарорати  $26,9-28,4^{\circ}\text{C}$ , ҳавонинг нисбий намлиги  $34-37\%$  га тенг бўлди. Шамол тезлиги  $3,0-3,3$  м/сек ни ташкил қилди.

Июл ойида ҳаво қуруқ келиб  $27,1-29,2^{\circ}\text{C}$  ташкил қилди. Ҳавонинг нисбий намлиги  $36-41\%$  ни ташкил этган бўлса, шамол тезлиги  $2,9-3,3$  м/сек ни ташкил қилди. Туман бўйича ҳамма экинлар суғорилди.

Августда ҳавонинг ҳарорати  $25,3-26,9^{\circ}\text{C}$ , ҳавонинг нисбий намлиги  $40-46\%$ , шамол тезлиги  $2,6-2,9$  м/сек ва ёғин миқдори  $3,5$  мм ни ташкил этди.

Сентябр ойида ҳавонинг ҳарорати эса  $18,8-21,6^{\circ}\text{C}$  ташкил қилган бўлса, ҳавонинг нисбий намлиги  $42-47\%$ , шамол тезлиги  $2,7-2,8$  м/сек ни ташкил қилди. Туманда ҳосилни йиғиши пайти пахта терими бошланди. Ёғин миқдори  $0,5$  мм га тенг бўлди. Бу ойда кузги буғдойни экишга мақбул шароит яратилди ва пахта йигим теримин бошлашга имконият яратилди.

Октябрда ҳавонинг ҳарорати  $13,0-14,1^{\circ}\text{C}$ , ҳавонинг нисбий намлиги  $47-59\%$ , шамол тезлиги эса  $2,6-2,7$  м/сек ни ташкил қилди. Биринчи қиров 2012 йил 1-декабрда кузатилди. Кузги совуқ бошланди.

Ноябр ойида ҳавонинг ҳарорати  $5,5-5,7^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги  $63-69\%$  га тенг бўлди. Шамол тезлиги  $2,7-2,8$  м/сек ни ҳамда ёғин миқдорлари  $1,9-21,3$  мм ни ташкил қилди. Бу ойда ерларни кузги шур ювиш ишлари бошланди.

Декабр ойида ҳавонинг ҳарорати  $-0,5^{\circ}\text{C}-1,9^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиги  $78-80\%$ , шамолнинг тезлиги ўртача  $3,0$  м/сек ни ташкил қилди, лекин айrim қунлари унинг тезлиги  $15-20$  м/сек га етди. Ёғингарчилик кам бўлиб,  $11,2-60,7$  мм оралиғида ўзгарди.

Қорақалпоғистон Республикасининг максимал ва минимал, ўртача ҳаво иссиғлиги 2.1.6-жадвал келтирилген.

Бу маълумот бўйича Турткул, Беруний Элликкала, Амударё туманларида об-ҳавонинг ғўзани экишни апрел ойининг бошларида бошлашга имкон беради. Лекин Кегейли, Чимбой, Қанлыкул, Қунғирот туманларида апрел ойининг учинчи ўн кунлигига ғўзани экишга имконият яратади

Қорақалпоғистоннинг шимолий минтақасида умумий об-ҳавонининг иссиқлиқ таъси жанубий минтақаларга таққослаганда  $400^{\circ}\text{C}$  га паст. Демак шимолий туманларда экилган ғўза далаларида ғўзани сугориш бироз ўзгача бўлди. Шу билан бир қаторда умумий иссиқлик миқдори Чимбойда  $1868-2174^{\circ}\text{C}$ , Турткулда  $1972-2350^{\circ}\text{C}$  ни ташкил килди. Демак ерларни гидромодул туманларга бўлишда ҳам ғўзанинг сугориш режимини ишлаб чиқишида бу иқлим ўзгаришларини ҳисобга олишимиз зарур. Шу билан бир қаторда Орол дengизининг қуриши мунособати билан иқлимининг ўзгариши ёки ҳаво ҳароратининг кўтарилиши бўйича ғўзанинг сугориш режимин қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ келади.

## 2.1.6-жадвал.

Метеостанциялар бўйича ҳаво ҳароратининг маълумотлари, % (2013 й)

Метео- станция	Ҳаво Ҳарорати	Ойлар											
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Турткул	Ўртача	-5,8	-4,4	3,8	16,2	23,4	25,6	29,6	25,1	18,6	20,9	7,4	1,7
	Максимал	4,9	2,8	19,0	22,8	31,1	32,6	33,3	21,9	25,6	20,3	16,3	11,2
	Минимал	-11,2	-13,1	-5,4	9,3	13,9	2,2	23,7	18,9	18,4	4,7	3,2	0,0
Чимбай	Ўртача	-8,8	-8,2	3,7	14,1	22,9	25,7	28,9	24,5	17,2	9,7	6,0	0,9
	Максимал	-16,6	-16,0	13,4	21,5	28,6	30,3	30,8	29,3	24,0	17,0	12,4	10,0
	Минимал	-0,4	-0,1	9,7	6,4	11,3	20,4	20,9	14,6	12,1	3,3	-1,3	-5,7
Кунгирот	Ўртача	-8,8	-7,5	0,1	13,4	22,0	24,9	28,6	24,1	16,8	9,2	5,5	0,9
	Максимал	-17,0	-15,1	9,2	20,6	26,6	30,6	30,1	28,8	23,8	16,1	11,9	7,1
	Минимал	-0,9	-0,9	-10,8	5,6	10,5	19,9	18,7	14,7	11,4	4,9	-0,5	-4,2

Қорақалпоғистон Республикасининг иқлим шароити пахта, буғдой ва бошқа қишлоқ-хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етишириш учун қулайлик түғдиради ва иқлим шароитининг ўзгаришлари, сув танқислиги янги ғўза навларининг оқим сувдан самарали фойдаланиш учун янги услубларин ишлаб чиқишни талаб этади.

## **2.2.Геоморфологияси, литологияси, рельефи**

Қорақалпоғистон Республикаси худудининг литологик-геоморфологик тузилиши жуда мураккаб ва ўзига хос геоморфологик шароитин ва тупроқ қатламини ташкил этади. Тупроқ қатлами ва рельефига кўра бир қанча геоморфологик туманга бўлинади.

Қорақалпоғистон Республикаси сугориладиган майдонларининг ер тузилиши пас текисликли бўлиб, умумий нишаблиги жуда кичик. Унинг асосий йўналиши **жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга** қараб йўналган.

Геоморфологик шароити ҳозирги қўйи Амударё бўйларидаги кўл олди, сахро минтақаларидаги ерлардан иборат. Геологик жиҳатдан худуд литологик тузилиши қалин қатламли тўртламчи даврда пайдо бўлган, учламчи давр ётқизиқлари устида жойлашган тоғ жинсларидан иборат бўлиб, улар ёйсимон шаклда Амударё сувлари фаолияти натижасида тўлдирилган аллювиал ётқизиқлардан ташкил топган.

Кўхна аллювиал текисликлар (устки тўртламчи чоракда)-бу Қорақалпоғистоннинг жанубий зона (минтақаси) си бўлиб, Туямуйин текислигидан бошланиб (Ақчадарё йўлаги)- Султанувайстоғ шарқий тоғлари, ундан Амударё делталаридан ўтиб, умумий майдони  $16,35$  минг  $m^2$  ни ташкил этади. П.М.Земской (1954) маълумотига кўра аллювиалнинг қалинлиги таҳминан 25 метргача этади.

Замонавий дарё делталари (кечкитўртламчи чоракда) денгиз сатҳидан 55-100 метр абсолют баландликда қарийб  $145,21$  минг  $m^2$  ни ва нишаблиги шимолдан шимолий-шарқга қараб  $0,0001$ - $0,0002$  ни ташкил этади.

Тарихий геологик ҳолатларга ва замонавий геодинамик жараёнларининг натижаларига боғлиқ ҳолда Қорақалпоғистон худудигача қўйидаги

геоморфологик туманларга бўлинади: ички пасттоғли, пасттекисликли проаллювиал тоғости, ясси тоғлар, кўхна аллювиал текисликлар, замонавий дарё дельталари, қумли аккумуляциялар, сув юзалари ва ҳавзалар. Кўрсатиб ўтилган геоморфологик туманлар ичидаги кўхна аллювиал текисликлар ва замонавий дарё дельталари энг катта аҳамиятга эга бўлиб, бу ерда суформа дехқончилик ривожланган.

Суғориладиган ерларни геоморфологик тузилиши бўйича қўйидаги гидромодул туманларга бўлиш мақсадга мувофик келади. Қумоқ, ўртача қумоқ: қўйи жойланиши соз ва тўлиқ соз, оцир қумоқ ерлар. Бу суғориладиган ерларнинг ер ости сувининг сатҳи бўйича автоморф, ўзгармали ва гидроморфли ерларга бўлиш ғўзанинг суғориш таркибини аниқлашда алоҳида аҳамиятга эга

### **2.3.Гидрогеологияси, гидрологияси.**

Қорақалпоғистон Республикаси шароити қадимий текисликнинг гипсометрик ҳолати, геологик тузилиш ва ирригация-хўжалик фаолият билан белгиланади. Д.М. Кац (1976 йилда) Қорақалпоғистон доирасида иккиси асосий гидрогеологик худудни ажратиб кўрсатади:

1-қайир ва қайирости террасаси билан ҳозирги ва унга қўшилган Ақчадарёнинг эски ўзанлари билан дарёнинг қадимий текислиги, Иккинчиси-10 та гидрогеологик туман: ҳозирги қайирнинг аллювиал қатламларидан, Амударё соҳиллари қатламларидағи қум шағалли Қизилқум сахросидан, Қаратоғ баландлигидаги палеозой қатламларидан, Амударёнинг эски ўзанидаги қумлардан, четки ерлардан суқилиб кирган қумлиқ сахродан, қум-шағалли баланд сахродан иборат.

Дарё оралиғи, қайирусти террасаси ва четроқдаги ерлар майдон жиҳатидан асосий гидрогеологик туманлар ҳисобланади. Ақчадарё ва эски дарё оралиқларида унчалик қалин бўлмаган устки қумоқ қатламлар ( $0,5\text{-}2$  м) остида қалинлиги  $15\text{-}65$  м дан иборат майда ва ўртача донадор қумлар ястаниб ётибди. Аллювиал қатламлар остида қатлам-қатлам қумдан иборат устки қум ва гил бор.

Амударё делтаси устки қатлам-қатлам қумоқ тупроқ, қумлок тупроқ, қум ва гил қопланган соз тупроқ ва кам шўрланган майда донадор қумлиқдан иборат. Унинг шарқий қисмида аллювиал жинсларнинг қалинлиги 12 метрдан 20 метргача боради.

М.М.Криловнинг маълумотларига кўра ер ости сувларининг асосий манбаи бўлиб, дарё магистраллари ва каналлар ҳисобланади. Атмосфера ёғингарчиликлари ер ости сувларига деярли таъсир этмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ер ости сувларининг табиий ва ирригацион суғоришни таъминлаш, транспирация ва буғланиш сарфлари ҳамда дренаж (зовур) оқимлари билан аниқланади. Ер ости сувларининг табиий оқими шимолий-ғарбга қараб жуда қиялик (нишаблик) да (0,00025-0,00027) йўналган. Ер ости сувларининг сизиб чиқиши асосан аллювиал қумлари бўйича бўлиб, унинг тезлиги суткасига 3-8 м ни ташкил этади.

Регионал оқими жанубдан шимолга қараб йўналган. Ер ости сувларининг қўйилиш жойи Судочье, Жылтырбас, Кара теренг ва тоғолди пасттекисликлари бўлиб ҳисобланади. Султонвайс тоғ худуди табиий тўсиқ вазифасини ўтайди, чунки бу ерда ер ости сувларининг бир қисми эса оқиб шимолга, Қизилқум томонга кетади.

Бундай шароитда ер ости сувлари таркибини туманлаштириш жуда мураккаб бўлиб, бир қатор табиий ва сунъий омилларнинг ўзаро таъсирларини ҳисобга олишни талаб қиласиди.

Қорақалпоғистонда ер ости сувларининг манбалари қўйидагилар ҳисобланади:

- а) баландроқ туманларнинг ер усти ва ер ости сувлари;
- б) атмосфера ёғинлари;
- в) суғоришда ишлатиладиган сувларининг фильтрация асосида ер ости сувларига қўшилиши ҳисобланади;

Дельтанинг ўнг қирғоқ томонининг ер ости оқими жанубдан Қизилқум ва Устюрт тизмаларидан иборат. Орол денгизи Каспий денгизига нисбатан қарийиб 75-80 метр баландликдадир. Шу туфайли ер ости сувлари Қоракум

чўлларида Копет-тоғдан Орол денгизи томон эмас, балки дельтанинг ўзани бўйлаб Орол денгизи томонига қараб оқади.

Қуруқ ерларда ер ости сувларининг таъминоти атмосфера ёғинларининг ҳисобига кисман ёки умуман бўлмайди, чунки худуднинг катта кисмида ер ости сувларнинг жойлашуви 2,5-3 метрдан пастадир. Куриниб турибдики, бундай даражада ёғадиган ёғинлар ҳам, ер ости сувларига етиб бормайди. Суғориладиган воҳаларда атмосфера ёғинларнинг роли ер ости сувларини таъминлашда ортиб боради, чунки суғоришнинг ривожланиши ер ости сувларининг кўтарилишини келтириб чиқаради.

Суғориладиган сувларнинг фильтрацион йўқотилиши суғориша ер ости сувларининг асосий манбаидир. Улар йирик ва кичик суғориладиган каналларнинг туби ва деворларидан сув сизиб ўтиши ҳисобига йиғилиб боради. Ер ости сувларининг тартибини асосий хусусияти баҳорги-ёзги (март-июл) максимум ва кузги (сентябр-ноябр) минимум даври ўртасида уларнинг тебраниш (ўзгариш) амплитудасининг аниқ ифодалаб олиш ҳисобланади. Кузда суғориш тизимларининг ёпилиши мунособати билан, ер ости сувли майдонлар кескин камайиб, уларнинг сатҳи 2-3 метрга ва ундан ҳам чуқурроқга пасаяди. Ер ости сувларининг кузги сатҳининг кўтарилиши ушбу даврда ўтказиладиган далаларни шўр ювиш билан изоҳланади. Ер ости сувларининг сатҳи максимумга етгач, асосан март-апрель ойларидан кейин, вегетацион суғориш бошлангунгача анча пасаяди; суғориш даврида яна уларнинг сатҳи кўтарилади.

Сув сақловчи қатламлар қалинлиги жанубий шарқда 10-20 метр жанубда 30-50 метр, марказий қисмида 70 метргача ўзгаради. Сувли қатламларнинг сув билан таъминланиши суғориш сувларининг инфильтрацияси, Амударё ва каналлардан бўладиган фильтрацион сувлари ҳисобига юзага келади. Ер ости сувлари оқимининг регионал нишаблиги шимолий-ғарбга, маҳаллий оқимлар нишаблиги эса жанубга, жанубий-ғарбга йўналган. Оқимнинг сўниб бориши коллектор зовур тармоқларига ва Орол денгизига қараб кузатилади.

Ғўза ўсиб ривожланиш даврида сизот сувларидан фойдаланади. Сизот сувларидан фойдаланиш миқдори кўп жиҳатдан сизот сувларининг жойлашиш чукурлигига боғлиқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси умумий сугориладиган майдони 2009-2013 йилларда 263,500-279,341 гектарни ташкил қилди. Сизот сув сатҳи 1-3 метрда ётувчи майдон 204,700-270,144 га 3,0 паст ерлар 101,800 га ни ташкил этади, минерализацияси 1-3 г/л бўлган ер майдони эса 215,800-230,720 га ни ташкил қилишини ҳисобга олсак, бу ерда ер ости сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида, янги ғўза навларининг сугориш режими гидромодул районлар бўйича ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ келади.

#### **2.4.Тупроқга инсон фаолияти**

Табийий омиллар иқлим, гидрогеологик, геморфологик шароитларининг биргаликtagи таъсири натижасида гидроморф қатордаги қўйидаги тупроқлар ривожланган:

Аллювиал-ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи соз; ботқоқли-ўтлоқ; ботқоқли-шўрҳоқ; Биз тажриба ўтказган худуд сугорилиб келинаётган ўтлоқи аллювиал ерлар бўлиб, шўрланиши, горизонтдаги генетик горизонти ва бошқалари билан бир-биридан фарқ қиласди.

Сугориладиган, шунингдек, сахро ўтлоқи аллювиал тупроқлар доимий намланиши натижасида 1-3 м чукурликда ётувчи сизот сувлари билан шаклланади. Вегетация даврида улар капилляр намланиш ҳолатида бўлади. Механик таркиби қум ва қумлоқдан тортиб, то оғир қумоқ ва созгача ўзгаради. Тупроқда эрийдиган тузлар миқдори бўйича ҳар хилдир, кам шўрланган даражадан то кучли шурланишгача ўзгаради, кучсиз шўрланган тупроқлар худудида (15-30 %) додлар шаклидаги ўртacha ва кучли шурланиши ҳам характерланади. (2.4.1-жадвал). Буни бир қатор сабаблар билан тушунтириш мумкин: зовурларнинг самарасиз ишлаши, навбатдаги профилактик шўр ювишлар олдидан сифатсиз текислаш ва натижада сифатли

шўр ювмаслик. Умуман, ўтлоқ тупроқлар, уларнинг сув-туз ва озиқлиқ режимларини тўғри ростланса, потенциал юқори унумдор ҳисобланади.

#### 2.4.1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси туманлар бўйича ерларнинг балл-бонитетининг ўзгариши, 1990-2013 й.

№	Туманлар	1990 й	2000 й	2012 й	2013 й	+,-
1	Амударё	51	46	45	44	-6
2	Беруний	50	43	43	43	-7
3	Караузяк	42	41	40	40	-2
4	Кегейли	43	39	39	39	-4
5	Кунград	40	37	35	34	-5
6	Канлыкул	40	38	36	34	-4
7	Муйнак	40	37	35	34	-5
8	Нукус	40	37	36	35	-4
9	Хужайли	43	41	40	40	-3
10	Шуманай	45	39	38	38	-7
11	Чимбай	41	41	39	38	-2
12	Тахтакупир	44	40	40	40	-4
13	Туртқул	51	50	48	47	-3
14	Елликқала	49	42	41	41	-6
<b>Умумий</b>		<b>44</b>	<b>41</b>	<b>39</b>	<b>39</b>	<b>-5</b>

2.4.1-жадвал маълумоти бўйича суғориладиган ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси туманлари бўйича кўп йиллик тупроқ балл-бонитетининг ўзгариши кўрсатилган. Бу маълумот бўйича Орол денгизига яқин Муйнақ туманида ўн йилликда -5 баллга камайган. Чимбой тумани суғориладиган ерларининг балл-бонитети кейинги ўн йилликда 41 баллдан 38 баллгача камайган .

Умуман Қорақалпоғистон Республикаси туманлари суғориладиган ерларининг балл-бонитети -5 баллга камайган. Демак, суғориладиган ерларниң балл-бонитетиги яхшилайдиган агротехник тадбирларга алоҳида эътибор бериш зарур.

#### 2.4.2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ерларининг шўрланишининг ўзгариши (2000-2013 й)

Йиллар	Суғориладиган ерлар майдони минг/га	Кам шўрланган		Ўртача Шўрланган		Кучли шўрланган	
		минг/га	%	минг/га	%	минг/га	%
1990	500,9	200,5	59,9	162,3	32,4	48,1	9,6
1995	500,8	205,7	61,0	152,4	30,4	42,7	8,6
2000	500,1	293,7	59,7	158,3	31,7	48,1	9,6
2005	501,2	265,8	93,1	172,0	34,4	62,3	12,6
2013	500,2	243,5	48,7	192,2	38,4	64,5	12,0
1990-2013 йй, %	98,8	43,0	12,1	29,9	11,8	16,4	12,4

2.4.2-жадвал маълумоти бўйича кейинги 10 йилликда сув танқислиги туфайли, суғориладиган ерларниң шўрланиши кўпаймоқда. Масалан, кам шурланган ерларниң майдони камайиб, ўртача ва кучли шурланган ерларниң майдони ошмоқда. Демак суғориладиган ерларининг шурланишини камайтирувчи агротехник тадбирлардан фойдаланиб, сув тежамкор, сувдан самарали фойдаланиш услубларини ишлаб чиқишимиз ва жорий қилишимиз керак. Айниқса гидромодул туманларга бўлишда тупроқга инсон фаолиятининг ерга таъсирини фермер хўжаликларида ўзгаришини алоҳида эътибор беришимиз керак.

### **3.Тажриба ўтказиши шароити ва услублари.**

#### **3.1. Тажриба тизими.**

Дала тажрибаси Қорақалпоғистон дәхқончилик илмий тадқиқот институти (ҚДИТИ) марказий тажриба даласида, сизот сувлари 2,0-3,0 м чукурлика жойлашган эскидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида янги ўрта толали ғүзанинг «Чимбой-5018», «Дўстлик-2», навларида олиб борилди. Тажриба даласи нишаблиги 0,0005 ни ташкил этиб, тажрибалар уч қайтариқда олиб борилади. Бўлакчалар бир ярусга тизимли равишда жойлаштирилди. Ғўза экилган варианtlар қатор оралиғи 60 см дан иборат бўлиб, шундан ўртадаги тўрттасида барча ҳисоблаш ишлари олиб борилди, ёнларидаги иккитаси ҳимоя қаторлариdir. Эгат узунлиги 100 метр, эни 7,2 метр, ҳар бир бўлакча майдони  $720 \text{ м}^2$  ни ташкил қиласи. Тажрибалар учта қайтариқда олиб борилди. Тажриба тизими 3.1.1-жадвалда кўрсатилган.

#### **3.1.1-жадвал**

##### **Тажриба тизими**

№	Ғўза нави	Сугориш тартиби, %	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га		
			N	P	K
1	Чимбой-5018	70-70-60	160	112	80
2	-/-	-/-	220	154	110
3	Дўстлик-2	70-70-60	160	112	80
4	-/-	-/-	220	154	110
5	Чимбой-5018	80-80-60	160	112	80
6	-/-	-/-	220	154	110
7	Дўстлик-2	80-80-60	160	112	80
8	-/-	-/-	220	154	110

Изоҳ: Тажрибадаги ғўза навларининг кўчат қалинлиги 80-120 минг.туп гектарига бўлиши таъминланади.

## **Агрофизикавий тадқиқотлар.**

Дала тажрибалари кўйилишидан олидин тупроқ кесмаси 2 м.гача ковланиб морфологик тавсифи генетик қатамлар бўйича тавсифланади (ер ости суви 1-3 м. да жойлашган). Генетик қатлам бўйича (0-100 см дан) тупроқнинг механик, микрорагрегат таркиби, ҳамда шу қатламар бўйича умумий чиринди ва тупроқнинг тўлиқ сув сўрими аниқланади.

Тажриба даласи тупроғининг агрофизик хусусиятлари (ҳажм ва солиштирма оғирлиги, ғоваклиги) амал-ўсув даврининг бошида ва охирида вариантлар бўйича (ҳар 0-10 см дан 1 м гача) аниқланади. (Н.А.Качинский усулида)

Тупроқнинг 1,0 метргача чуқурлигидаги сув заҳирасини аниқлаш учун ҳар 10 см қатламдан ўсув даври бошида ва охирида тупроқ намуналари (бур ёрдамида,даланинг сув баланси тўлиқ дала нам сигими ҳисобини чиқариш учун) олинади.

Тажрибани жойлаштиришдан олдин тупроқнинг (ЧДНС) чекланган дала нам сигими майдончаларга (3x3) сув тўлдириб, 2-3 кундан кейин 1,0 метргача чуқуриқда ҳар 10 см.дан бур ёрдамида тупроқ намуналари олинуб термостат тарози усули билан аниқланади.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида амал даври бошида ва охирида цилиндр ҳалқалар усулида аниқланади.

Суғориш муддати ва меъёри ҳар бир майдончада (0-50 гуллашгача, 0-70 гуллашдан ҳосил пайдо бўлгунча) 1,0 м чуқурликда ҳар 10 см қатламидан тупроқ намуналари олинуб, термостат тарози усулида (олинган тупроқ намуналари 6-соат мобайнида қуритилиб) аниқланади.

Ғўза барги шираси концентрацияси қўл рефрактометри ёрдамида далада 50 та этикетка-қоғоз ёрликлари осилган ғўзаларнинг 10 та ўсимлигидан барглари олиб аниқланади.

Суғоришга сарфланган сув миқдори Чипполетти ва Томсон сув ўлчагичлари ёрдамида аниқланади.

## **Агрокимёвий тадқиқотлар**

Тажриба бошланишидан олдин тупроқ кесмаси ковланиб, ер ости сувлари сатҳигача генетик қатламлар бўйича таърифланади ва шу генетик қатламлардан тупроқ намуналари олиниб механик, микроагрегат таркиби ҳамда даланинг узунасига, кўндалангига конверт усулида (5-та нукта) тупроқнинг 0-30 см, 30-50 см қатламларидан намуналар олиниб, тупроқ намуналаридан чиринди (гумус), нитратли азот миқдори Грандвальд-Ляжу усули ҳамда ҳаракатчан фосфор ва умумий ва ҳаракатчан алмашинувчи калий миқдори Мачигин ва Протасов усулларида аникланади. Тажриба ўтказиладиган далаларда тупроқ ҳаритасига асосланиб РН билан таъминланганлиги ва NPK меъёрлари ҳисобга олинади;

### **Биометрик кузатув ва ўлчовлар.**

Дала, ишлаб чиқариш тажрибасида ғўза ниҳолларининг ўниб чиқиши динамикаси ҳамма вариантларда белгилаб қўйилган бўлакчаларда ўтказилади (ЎзПИТИ услуби билан 2007 йил).

Ғўзани ўсиш ва ривожланишини кузатиш учун фенологик кўзатув ўтказилади ва бу ЎзПИТИ услублари (2007 й.) бўйича 1.06; 1.07; 1.08; 1.09 ойларда олиб борилади. Ғўзани ўсув даврида ўсимлик бўйи, чин барглар сони, ҳосил шоҳлари, шоналар, кўсаклар шундан очилгани ва ҳосилдорлигини (30.09; 10.10; 20.10; 30.10;) аникланади. Гуллаш ва кўсакларнинг очилиш даражаси (бошланиши, 50 ва 100 %) кузатилади.

Ўсимликнинг кўчат қалинлиги икки муддатда яганалашдан кейин ва амал ўсув даври охирида терим олди аникланади.

Ғўзанинг вертициллеоз вилт билан қасалланиш даражасини 1-15 сентябрда аникланади ва мавзуга амал-ўсув даври охирида ўтказилиши етарли:

Амал-ўсув даври охирида вариантлар бўйича 4-та қайтариқда ғўза куруқ массаси ўрганилади.: (услубий қўлланмага асосан 2007 й).

## **Пахта толаси технологик сифатини аниқлаш.**

Биринчи теримдан олдин белгиланган майдончаларда (хисоб қаторларидаги 25-50 та ўсимликдан) таҳлил қилиш учун пахта хом-ашёси намуналари олинади. Булар пахта намуналари икки қайтаришнинг барча варианларида амалга қўлланилаётган ЎзПИТИ услуги (2007й) бўйича олиб борилади. Пахта толаси технологик сифат кўрсаткичлари ЎзПИТИ лабораториясида ўтказилади.

### **Иzlанишлар натижаларини статистик баҳолаш**

Пахта ҳосили бўйича олинган маълумотлар аниқлиги ва тасдиқланганлигини В.А.Доспехов (1985), Перегудов В.П (1981) ларнинг кўп факторли тажрибаларини ҳисоблаб чиқиш усули билан математик ишлов берилиб, таҳлил қилинади.

### **Ишлаб чиқаришдаги тажриба синови**

«Сувчи» СИУ га тегишли «Қуат» фермер хўжалиги ерларнинг агрофизиковий, агрокимёвий ва мелиоративлик ҳолатини текшириш ва гидромодул туманларга тақсимлаш.

### **3.2. Тажриба далаларида ўтказилган агротехник ишлар**

Ғўза экилган тажриба даласида 2013 йилда агротехник тадбирлар бўйича олинган маълумотларга кўра, 2012 йил 10 ноябрда 28-30 сантиметр чуқурликда кузги ер қатлами ағдариб хайдалди ва далани текислаш ишлари олиб борилди. Далани шўр ювишга тайёрлаш, 2012 йил 5 ноябряда челлар олинди. Тажриба даласи қишида, баҳорда кичкина челлар бўйича (0,03-0,05 га)-2400-2600 м<sup>3</sup>/га меъёрида сув икки ва уч тактда бериш орқали тупроқнинг шўрини ювиш ишлари 2012 йил 16 ноябряда ва 1 декабрда олиб борилди. Ғўзанинг гектарига бир йилда ўғитлаш меъёри азот N-200 кг/га, фосфор P-140 кг/га ва калий K-100 кг/га соф холда солинди. Ер етилгач ерни экишга тайёрлаш билан бирга 2011 йил 27 апрел куни азот N-30 кг/га, фосфор P-100 кг/га ва калий K-50 кг/га ўғитлари соф холда солиниб узунасига ва кўндалангига 2 марта чизелланди ҳамда 3 марта борона қилиниб, 2 марта сифатли мола босилди. 2013 йил 25 –апрел

кунлари вегетация даври 125-130 кун бўлган «Чимбой-5018 ва «Дўстлик-2» ғўза нави экилди. Бир гектарга 60-70 кг уруғилик чигит сарфланди. Ғўзанинг қатор оралари 2013 йил 30 июнда культивация қилинди. Ҳар бир суғоришдан олдин қатор ораси культивация қилиниб, ариқлаб суғоришида эгат олиш ишлари олиб борилди.

### 3.2-жадвал

Ғўзани маъдан (NPK) ўғитлар варианtlарга қўйидаги миқдорда ва  
муддатларда берилди, кг/га (соф холда)

Маъдан ўғитларни бериш муддатлари	Вариантлар					
	N		P		K	
	1,2	3,4	5	6	7	8
Экиш олдидан	30	30	80	80	50	50
3-4 чинбарг чиқганда	30	50		20		
Шоналаш бошланганда	50	70				30
Гуллаш бошлаганда	50	70	32	54	30	30
Йиллик миқдори	160	220	112	154	80	110

Ғўза зааркундаларга қарши курашиш ишлари 2013 йил 25 июндан бошлаб 20 августда тугалланди ва мос равишида 2013 йил 25-июн 23-август оралиғида бажарилди. Ғўзани зааркундаларга қарши курашиш ўртасидаги кунлар оралиғи 7 кундан 10 кунгача бўлиб, 4-5 марта зааркундаларга қарши курашилди. Вегетация даврида ғўза 3 марта чопик қилинди. Ғўзани чилпиш 2013 йил 4-август кунлари бажарилди.

### 3.3.Навлар бўйича маълумотлар

**Чимбой-5018.** Қорақалпоғистон дехқончилик илмий тадқиқот институти томонидан яратилган. Хирзуум турига мансуб. 2005 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилиб, 2007 йилдан бошлаб районлаштирилган. Тупининг буйи 100-110 см, тури йирик, пояси кам еки ўртacha тукланган, яшил рангда. Ҳосил шохлари 1,5 тип. Кусаги тухумсимон, учи бир оз чузик, думалок. 1000 дона чигитнинг

огирлиги 131 гр. Ўртача хосилдорлиги 26,0-37,0 ц/га. Вегетация даври (униб чиққандан 50 фоиз очилгунча бўлган кун) 120-122 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 6,7-7,0 гр. Тола чикиши 37,8%, узунлиги 33,0-33,5 мм. Толаси V типга мансуб. Кичик намуналардаги микронейр кўрсаткичи 4,6.

**Дўстлик-2.** Қорақалпоғистон дехқончилик илмий тадқиқот институти томонидан яратилган. Хирзутиум турига мансуб. 2006 йилда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Давлат реестрига киритилиб, 2007 йилдан бошлаб районлаштирилган. Тупининг буйи 110-115 см, тури йирик, пояси кам еки ўртача тукланган, яшил рангда. Ҳосил шохлари 1,5 тип. Кўсаги тухумсимон, учи бир оз чузик, думалоқ. 1000 дона чигитнинг оғирлиги 125 гр.

Ўртача хосилдорлиги 26,0-36,0 ц/га. Вегетация даври (униб чиккандан 50 фоиз очилгунча булган кун) 120-122 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 6,5-6,7 гр. Тола чикиши 37,5%, узунлиги 33,0-34,0 мм. Толаси V типга мансуб. Кичик намуналардаги микронейр курсаткичи 4,4.

#### **4. Тадқиқот натижалари.**

##### **4.1. Тажриба даласи тупроғининг агрофизикавий хоссалари**

Тажриба дала тупроғининг механикавий таркибини аниқлаш учун жер ости сувигача тупроқ қавланиб генетик қатламларидан намуналар олинди. Тупроқнинг механикавий таркиби Н.А.Качинский усули бўйича аниқланди. Бу маълумот 4.1.1-4.1.2-4.1.3-жадвалларда келтирилган. Бу жадвал маълумоти бўйича дала тажриба турпоғиниг механикавий таркиби оғир қумоқ бўлиб паст қатламлар енгилашиб боради. Бу ўз навбатида ер ости сувларидан ғўзанинг яхши фойдаланишига имконият яратади. Тажриба даласининг тупроғи ва ер ости сувигача жойлашиши V-гидромодул районга тўғри келади.

##### **4.1.1-жадвал**

##### **Ўтлокли-аллювиал ерларнинг механикавий таркиби**

Тупрок кесмаси	Тупроқ қатлами, см	Тупроқ фракцияси,мм							Механик таркиби
		0,25 -0,1	0,1- 0,05	0,05- 0,01	0,01- 0,005	0,005- 0,001	>0,1	<0,01	
№17	0-30	0,96	11,74	64,90	5,72	6,15	1053	22,40	Енгил қумлок
	30-94	1,12	10,92	67,35	6,47	8,70	5,44	20,61	Енгил қумлок
	94-125	1,05	12,05	63,96	5,56	8,45	6,46	20,47	-/-
	125-176	0,89	11,76	56,55	6,75	13,47	10,28	30,50	-/-
	176-247	1,47	9,84	53,08	7,40	45,62	12,59	35,61	-/-
	247-315	1,10	10,45	64,90	5,27	6,15	12,13	23,55	-/-

4.1.1-жадвал маълумоти бўйича №17 разрез жойлашган ерларнинг механикавий таркиби енгил қумоқ ва қумоқ ерлар бўлиб, ғўзани суғорища алоҳида эътибор беришни талаб қиласди.

## 4.1.2-жадвал

## Үтлокли аллювиал ерларнинг механикавий таркиби

Тупрок кесмаси	Тупрок қатлами, см	Тупрок фракцияси,мм							Механик таркиби
		0,25 -0,1	0,1- 0,05	0,05- 0,01	0,01- 0,005	0,005- 0,001	>0,1	<0,01	
№26	0-27	1,11	11,72	51,21	8,16	12,57	15,23	35,96	Үртача қумоқ
	27-44	0,97	12,43	52,85	6,30	13,5	14,40	33,75	Үртача қумоқ
	44-65	1,26	10,43	57,77	5,72	14,50	10,32	30,54	-/-
	65-102	1,04	12,40	50,86	8,46	17,80	19,44	45,70	Оғир қумоқ
	102-175	1,18	11,76	53,50	9,56	18,10	24,30	33,56	Енгил қумоқ
	175-240	0,94	9,84	58,82	11,71	10,46	8,23	30,40	-/-
	240-275	1,76	10,78	51,91	8,56	7,40	11,59	27,55	Кум

4.1.2-жадвал маълумотини таҳлил қилганимизда бу ерлар ўртача қумоқ, қўйи томон жойлашиши қумоқ ерлар эканлиги маълум бўлиб, бу ерлар V-гидромодул туманалар ерларига тўғри келади.

## 4.1.3-жадвал

## Ўтлокли аллювиал ерларнинг механикавий таркиби,%

Тупрок кесмаси	Тупрок қатлами см	Тупрок фракцияси, мм							Механик таркиби
		0,25 -0,1	0,1- 0,05	0,05- 0,01	0,01- 0,005	0,005- 0,001	>0,1	<0,01	
№32	0-28	1,14	10,05	42,46	10,42	24,54	11,20	46,25	Оғир қумоқ
	28-86	1,60	11,60	36,81	18,15	20,30	11,30	49,83	Оғир қумоқ
	86-102	1,20	12,82	45,84	16,80	10,08	13,11	40,02	Ўртача
	102-175	1,08	20,25	24,53	11,26	20,40	12,48	54,14	Оғир қумоқ
	175-198	1,25	10,46	61,11	13,00	8,45	5,57	27,02	Енгил қумоқ

4.1.3-жадвал маълумоти бўйича № 32 кесмасининг механикавий таркиби оғир қумоқ, соз ерлар бўлиб кўйи жойлашиши қатламли бўлиб келади.

#### 4.1.4-жадвал.

Ўтлоқи-аллювиал ерларнинг сув-физикавий хоссалари.

Тупроқ қатлами, См	Солиштирма оғирлиғи, г/см <sup>3</sup>	Ҳажм оғирлиги г/см <sup>3</sup>	Ғовак- лиги, %	Максимал гигроскопик- лиги, %	Ўсимликнинг сўлиш намлиги,%	ЧДНС, %
0-10	2,68	1,37	51,50	2,68	4,20	25,0
10-20	2,68	1,38	49,26	2,67	4,00	24,7
20-30	2,68	1,45	46,65	2,68	4,02	24,2
30-40	2,68	1,43	47,77	2,70	4,00	23,9
40-50	2,67	1,43	47,25	3,24	4,86	23,6
50-60	2,67	1,42	47,57	3,20	4,80	25,0
60-70	2,67	1,42	47,57	3,20	4,80	24,0
70-80	2,71	1,32	49,08	3,00	7,00	22,4
80-90	2,71	1,34	48,34	1,38	7,00	21,8
90-100	2,71	1,33	47,08	1,36	7,10	22,9
0-50	2,71	1,38	48,50	2,79	4,21	24,3
0-70	2,71	1,41	48,22	2,91	4,38	24,3
0-100	2,67	1,38	48,20	2,60	5,20	23,7

4.1.4-жадвал маълумоти бўйича ўтлоқи аллювиал ерларнинг солиштирма оғирлиги, ҳажм оғирлиги, ғоваклиги ва ЧДНС ҳар катламда ҳар хил бўлиши маълум бўлди. Тупроқнинг асосий сув-физик кўрсаткишларидан бири ҳажм оғирлигидир. 2013 йилда 10-20 см ва 0-70 см тупроқ қатламида мавсум бошида ҳажм оғирлиги мутоносиб равишда 1,38-1,41 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилган бўй лса, амал даври охирида тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % бўй лган вариантларда бу кўрсаткич 1,33-1,38 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилди.

Аммо сизот сувларининг яқин жойлашиши (2-3 м) туфайли интенсив равища сизот сувларнинг кўтарилиши маълум бўлди.

Капилияр найчалар ёрдамида намликнинг кўтарилиши 0-50 см га етади. Шу туфайли ғўза навлари сизот сувларидан фойдаланиши кузатилади.

Ўтлоқи-ботқоқли ерларнинг сув ва физик хоссаларни ўрганганимизда ўзига хос сув физикавий хоссаларига эга. Бу ерларнинг чуқурлиги бўйича ж

ойлашиши қатламли бўлиб, фақат ҳайдалма қатлами бир хил жойлашган. Бу ерларда сизот сувлари яқин (1-2 м) жойлашиши туфайли ғўза навлари илдизилари билан сизот сувларидан кўп миқдорда фойдаланади. Тажриба даласидаги сизот сувларининг кўтарилиш балантлиги ва тезлигини кузатиш алоҳида аҳамиятга эга, сабаби ғўзанинг сизот сувларидан фойдаланишига қараб суғориш таркиби аниқланади.

Сизот сувларининг капилляр найчалар ёрдамида кўтарилиши, шу ернинг механик таркибига, жойлашишига, сизот сувининг минерализацияга ва сизот сувнинг жойлашиш чуқурлигига боғлиқ эканлиги аниқланди. Сизот сувларининг капилляр найчалар ёрдамида кўтарилиши лаборатория ва дала шароитида аниқланди. Дала шароитида сизот сувларининг кўтарилиши тезлиги ва балантлиги тупроқ кесмаси ёрдамида аниқланди.

Олинган маълумотлар бўйича қум ва кумоқ ерларда сизот сувларининг капилляр найчалар билан кўтарилиши тез бўлиши аниқланди. Аммо балантлиги оғир, соз тупроқли ерларга таққослаганда паст бўлиши маълум бўлди. 4.2.1-расм маълумоти сизот сувларининг кўтарилиши (2-3 м) 1,57-1,83 см бўлди. Механик таркиби оғир, соз тупроқли ерларда сизот сувининг капилляр найчалар бўйлаб кўтарилиши 1,60-1,83 см бўлса, қум ва кумоқ ерларда 1,33-1,57 см балантликгача кўтарилди.

Олинган маълумотлар бўйича намликнинг кўтарилиш тезлиги ва балантлиги сизот сувларининг минерализациясига боғлиқ бўлиши аниқланди. Сизот суви минерализацияси даражаси юқори бўлган ерларда унинг кўтарилиш тезлиги ортиб бориши аниқланди, лекин аксинча сизот сувининг минерализацииси кам ерларда унинг кўтарилиш тезлиги ва

балантлиги кам бўлишини кўрсатди. Аммо сизот сувларнинг минерализациясига боғлиқ кўтарилиш балантлиги ва тезлиги шу ернинг тупроғининг механик таркибибга боғлиқ.

Шу билан бирга сизот сувларининг кўтарилиш балантлиги ва тезлиги об-ҳавога боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Баҳор ойларида сизот сувларининг кўтарилиши анча паст бўлиб ёз ойларида анча ортиб борар экан.

Тупроқнинг механик таркибига боғлиқ намликни ўсимликга беришини «Секер» тажрибаси асосида аниқлаганмизда қўйидаги хulosага келдик. Агар қумоқ, соз тупроқларда ўсимликга намликни бериши анча паст бўлиб, қум ва енгил қумоқ тупроқларда юқори эканлиги аниқланди.

#### **4.2. Тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий таркиби**

Тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий таркибин аниқлаш учун 1,0 метргача ковланиб тупроқ намуналари олинди ва бу тупроқ намуналаридан гумус, азот, фосфор, калийнинг умумий миқдорлари аниқланилди. Шу билан бирга азот фосфор калийнинг силжимали формалари аниқланди. Бу маълумотлар 4.2.1-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумоти бўйича гумуснинг миқдори 0,57-0,76 % ни ташкил килди. Умумий азотнинг миқдори 00,48-00,88 %, умумий фосфорнинг миқдори 0,148-0,263 % ва умумий калийнинг миқдори 0,346-0,575 % бўлди. Бу маълумотлар бўйича дала тажриба тупроғининг озиқа элементларининг кам бўлишидан далолат беради. Шу туфайли минерал ўгитларининг миқдорини кўпайтиришни талаб этади.

Ишлаб чиқаришдаги тажриба асосида «Қуат» фермер хўжалигининг ерларининг агрокимёвий хоссаларини ўрганамиз. 4.2.2-жадвалда келтирилган. Бу маълуматлар бўйича ўтлоқи-аллювиал ерларда батқоқли-аллювиал ерларга солиштирганда ўтлоқи-аллювиал ерларнинг агрокиёвий хоссалари юқори бўлганлиги маълум бўлди.

## 4.2.1-жадвал

Ўтлоқи-аллювиал тупроғининг агрокимёвий таркиби, % (2013 й).

Қатлам, см	Гумус, %	Умумий миқдори, %			Силжимали формалари, мг/кг		
		N	P	K	N-NO <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
1	2	3	4	5	6	7	8
Экиш олдидан							
0-30	0,76	0,088	0,263	0,575	20,6	34,5	150,0
30-50	0,69	0,072	0,172	0,420	15,4	34,0	140,7
50-70	0,65	0,061	0,161	0,346	12,7	33,5	155,9
70-100	0,57	0,048	0,148	0,400	19,5	30,0	134,6
0-50	0,72	0,080	0,217	0,497	18,0	34,2	145,3
0-100	0,66	0,067	0,161	0,435	14,5	33,0	145,3
Биринчи суғориш олдидан							
0-30	0,80	0,091	0,270	0,561	36,7	36,7	162,5
30-50	0,70	0,072	0,170	0,320	38,4	35,4	143,4
50-70	0,65	0,059	0,060	0,366	23,4	33,0	160,2
70-100	0,60	0,050	0,044	0,410	14,5	28,5	140,5
0-50	0,75	0,081	0,220	0,440	37,5	36,0	152,9
0-100	0,68	0,068	0,136	0,414	28,2	33,4	151,6
1	2	3	4	5	6	7	8
Пахтани йиғиши олдидан							
0-30	0,85	0,100	0,270	0,600	48,5	40,1	180,4
30-50	0,77	0,090	0,175	0,380	44,3	38,0	150,1
50-70	0,70	0,065	0,100	0,400	31,6	33,4	160,9
70-100	0,65	0,060	0,049	0,410	20,7	30,5	150,7
0-50	0,81	0,095	0,222	0,490	46,4	39,0	165,2
0-100	0,74	0,078	0,148	0,447	36,2	35,5	160,9

Аслида ботқоқли-аллювиал ерларнинг агрокимёвий хоссалари юқори бўлиши керак эди. Аммо ботқоқли-аллювиал ерларнинг сизот сувлари яқин (1-2 м) жойлашиши ва бу сувларнинг минерализацияси юқори бўлиб, тупроқнинг тез шурланишига олиб келганлиги туфайли бўлиши мумкин.

#### 4.2.2-жадвал.

Ўтлоқи-аллювиал тупроғининг агрокимёвий хоссалари.

Тупроқ катлами, см	Чиринди миқдори, %	Азот, %	Фосфор, %	Калий, %
0-10	0,75	0,050	0,175	1,85
10-20	1,70	0,050	0,175	1,85
20-30	0,73	0,050	0,170	1,85
30-40	0,70	0,040	0,165	1,80
40-50	0,65	0,030	0,160	1,78
0-30	0,72	0,050	0,173	1,85
0-50	0,70	0,044	0,170	1,80

#### 4.2.3-жадвал.

Ўтлоқи-аллювиал тупроғининг агрокимёвий хоссалари

Тупроқ катлами, см	Чиринди миқдори, %	Азот, %	Фосфор, %	Калий, %
0-10	0,65	0,045	0,168	1,70
10-20	0,60	0,045	0,168	1,70
20-30	0,60	0,043	0,160	1,70
30-40	0,58	0,040	0,154	1,65
40-50	0,50	0,040	0,150	1,65
0-30	0,60	0,044	0,165	1,70
0-50	0,57	0,044	0,159	1,67

### **4.3. Тажриба даласи тупроғининг туз режими.**

Дала тажриба тупроғининг туз режими аниқланиб борилиб, бунда хлор иони ва қуруқ қолдик аниқланилди. Олинган маълумотлар 4.3.1-жадвалда келтирилган. Бу маълумот бўйича сугориш олдида туз режимининг ўзгариб борганлиги маълум бўлди. 1-сугориш олдида тупроқда туз миқдори кўп бўлли. Кейинги сугоришлар билан туз миқдори пасайиб йил охирида яна кўпайиб бориши аниқланди. Шу билан бирга туз режими ўтлоқли-аллювиал ва ботқоқли-аллювиал ерларнинг туз режими ўрганилди (Куат фермер хўжалиги). Олинган маълумотлар 4.3.2-4.3.3-жадвалда келтирилган.

Бу маълумотлар асосида қўйидагиларни айтиш мумкин. Ўтлоқли алювиал тупроқли ерларда тузларнинг кўтарилиши, ботқоқли алювиал тупроклар ерларига такқослагандан анча кам бўлиши аниқланди. Тупроқда тузнинг фойда бўлиши сизот сувларнинг жойлашиш сатҳига, минерализациясига ва тупроқнинг механик таркибига боғлик бўлар экан. Шу билан бирга климат шароитига ҳам боғлик. Шу туфайли фермер хўжалиги ерларини гидромодул туманларга бўлишда кўрсатилган шароитларни ҳисобга олишимиз мақсадга мувофиқ келади.

## 4.3.1-жадвал.

Үтлоқли-аллювиал ерларнинг туз режими, % (Қуат фермер хўжалиги)

Тупроқ катлами, см	Ca(HCO <sub>3</sub> )	Ca <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	Умумий заарсиз тузлар	%, умумий заарсиз тузларга солиширганда	MgSO <sub>4</sub>	Na <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	NaCl	Умумий заарли тузлар	%, умумий заарли тузларга солиширганда	Умумий тузлар
--------------------	-----------------------	---------------------------------	-----------------------	---	-------------------	---------------------------------	------	----------------------	--	---------------

Шўр ювиш олдидан, 2013 й.

0-30	0,037	0,273	0,310	59,3	0,044	0,071	0,098	0,213	40,7	0,523
0-70	0,043	0,292	0,310	64,4	0,048	0,063	0,074	0,185	35,6	0,520
0-100	0,049	0,315	0,364	66,2	0,070	0,048	0,068	0,186	33,8	0,550

Шўр ювиш охирида, 2013 й.

0-30	0,024	0,174	0,194	56,6	0,042	0,044	0,063	0,199	43,4	0,343
0-70	0,022	0,177	0,199	55,1	0,050	0,041	0,071	0,162	44,9	0,361
0-100	0,026	0,179	0,205	52,2	0,070	0,032	0,086	0,188	47,8	0,393

## 4.3.2-жадвал

Ботқоқли-аллювиал ерларнинг туз режими, % (Куат фермер хўжалиги).

Тупроқ катлами, см	Ca(HCO <sub>3</sub> )	Ca <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	Умумий заарсиз тузлар	%، умумий заарсиз тузларга солиширганда	MgSO <sub>4</sub>	Na <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	NaCl	Умумий заарали тузлар	%, умумий заарали тузларга солиширганда	Умумий тузлар
--------------------	-----------------------	---------------------------------	-----------------------	---	-------------------	---------------------------------	------	-----------------------	---	---------------

Шўр ювиш олдидан, 2013 й.

0-30	0,043	0,320	0,383	65,7	0,048	0,080	0,110	0,302	49,2	0,515
0-70	0,038	0,297	0,355	65,3	0,050	0,080	0,100	0,278	44,6	0,513
0-100	0,040	0,327	0,367	72,3	0,065	0,075	0,090	0,190	47,6	0,507

Шўр ювиш охирида, 2013 й.

0-30	0,031	0,121	63,4	63,4	0,038	0,040	0,055	0,133	36,05	0,364
0-70	0,028	0,190	60,5	60,5	0,040	0,040	0,062	0,142	39,4	0,360
0-100	0,030	0,227	57,4	57,4	0,040	0,030	0,090	0,190	42,5	0,447

#### **4.4.Тупроқ-мелиоратив ва гидромодул районлаштириш**

Қорақалпоғистон Республикаси иқлими, геоморфологиси, гидрологияси ва тупроқ шароитини ўрганганимизда қўйидаги хulosага келишимиз мумкин. Шўр ювиш, суғориш меъёри ва умумий суғориш меъёри, суғориш услублари минтақа худуди ва ғўза навининг биологик хусусияти, агротехник тадбирларга боғлик сувдан исътемолчилар уюшмалари худудларида алоҳида бўлиши керак. Шу туфайли сувдан исътемолчилар ва фермер хўжаликларининг тупроқ-мелиоратив ўзгашалиги бўйича туманлаштиришни талаб этади. Тупроқ-мелиоратив ўзгашалиги бўйича ғўза экилган майдонларни аниқланиб, ғўза навларининг биологик хусусиятига боғлик дифференциал суғориш тизими, тартиби ва суғориш меъёрларини аниқлаб, ғўзадан юқори ҳосил оловчи ва сувдан унумли (минимал) фойдаланувчи суғориш тадбирларин ишлаб чиқиши талаб этади.

Физикавий ва географик районлаштириш бўйича биринши марта В.В.Докучаев ва кейинги вақтлари Л.Т.Берг (1997); Л.И.Просолов (1916); И.Т.Герасимов (1933); Кимберг (1971) ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилди.

Гидромудул районлаштириш ва экинларнинг суғориш режимини В.В.Шредер, П.М.Легостаев, Н.Ф.Беспалов; А.Э.Авлиёкулов Б.С.Мамбетназаров ва бошқалар илмий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқди.

Қорақалпоғистон Республикаси физик-географик шароити бўйича сахро минтаҳасида жойлашиб, намлик дефицити бўйича шимолий ва жанубий худудга бўлинади.

Иқлим худудлари бўйича қўйидаги тупроқ-мелиоративлик ерларга бўлинади.

1. Автоморфли қаторидаги ерлар (ер ости суви чукурлиги 3 м дан юқори)
2. Ўзгармали қатордаги ерлар (ер ости сувининг чукурлиги 2-3 м жойлашган)
3. Гидроморфлы ерлар (ер ости суви чукурлиги 1-2 жойлашган)

Ўтказилган илмий тадқиқот ишларнинг маълумотлари бўйича, шур ювиш муддати, меъёри экинларнинг сув талаб этиш меъёри бўлинган тупроқ мелиративлик ерларда қўйидаги талабларга жавоб бериши керак.

1. Фўзани суғориш режим намлиқ дефицитига боғлиқ бўлиб жанубий худудга қараганда шимолий худудда экилган фўза далаларидаги фўзанинг умумий суғориш меъёри анча қўп бўлиши эҳтимоли бор.

2. Автоморфли тупроқларда экилган фўза навлари ер ости сувидан 20-40 % фойдаланади. Ер ости сувидан фўза илдизининг фойдаланиши шу ерларнинг механик таркибиغا, генетик қатламларининг жойлашиш шаротига боғлиқ бўади. Шу туфайли фўзанинг суғориш режимини аниқлашда тупроқнинг механик таркиби генетик жойлашишининг эътиборга олиш керак.

3. Гидроморф ерларга (ер ости сувининг чуқурлиги 1-2 м) экилган фўза навлари илдизи ёрдамида ер ости сувидан 40-60 % фойдаланади. Ер ости сувидан фўзанинг фойдаланиш шу сувдан фойдаланувчи уюшмалар ерларнинг механик таркибиغا, генетик жойлашувига боғлиқ бўлиб, суғориш меъёри, умумий суғориш меъёри ўзгариб боради.

Шу районлашган тартиби орқали Қорақалпоғистоннинг иқлими бўйича икки худудга шимолий ва жанубий. Сувдан фойдаланувчи уюшамаларнинг ерларнинг автоморфли, ўзгармали ва гидроморфли ерларга бўлишни талаб қиласди. Автоморфли ерларнинг механикавий таркиби бўйича икки туманга бўлишни талаб қиласди ёки механикавий таркиби соз ва оғир қумоқ ерлар, ва қумли ерларга бўлинади.

Шу ерларда ер ости сувининг жойлашиши, тупроқнинг механик таркиби, генетик қатламларининг жойлашуви бўйича ва фўза илдизига ер ости сувининг капилияр қўтарувчанлиги ҳисобга олган ҳолда гидромодул туманга бўлинади. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Сувчи» сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг «Қуат» фермер хўжалагининг ерларин гидромодул районларга бўлиш ва тавсифномаси 4.4.1-жадвалда келтирилган.

## 4.4.1-жадвал

## Гидромодул районларига бўлиш ва уларга тавсифнома

Гидро- модул таркиби	Тупроқга тавсиф	Гидромодул район ерлар- ининг майдони,га
Автоморф ерлар (сизот суви 3 м ва ундан пастда)		
I	Қум, қумчовут ва кам қатламли енгил қумоқ	-
II	Енгил ва ўртacha қумоқ кам қатламли оғир қумоқ	-
III	Оғир қумоқ ва соз, оғир қумоқ механик таркиби кўп қатламли	-
Ўзгармали ерлар (сизот суви 2-3 м пастда)		
IV	Қум, қумчовут ва кам қатламли енгил қумоқ	184,2
V	Енгил ва ўртacha қумоқ кам қатламли оғир қумоқ	210,4
VI	Оғир қумоқ ва соз, оғир қумоқ механик таркиби кўп қатламли	346,8
Гидроморф ерлар (сизот суви 1-2 м)		
VII	Қум, қумчовут ва кам қатламли енгил қумоқ	76,5
VIII	Енгил ва ўртacha қумоқ кам қатламли оғир қумоқ	96,4
IX	Оғир қумоқ ва соз, оғир қумоқ механик таркиби кўп қатламли	105,7

Шу ерларнинг механик таркиби бўйича олинган маълумотлар «Қуат» фермер хўжалигига ва «Сувчи» СИУ да қўйидаги гидромодул туманларга бўлинди. (4.4.2-жадвал).

## 4.4.2-жадвал.

Қарақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Қуат» номли фермер хўжалигининг ғўза экиладиган ерларининг гидромодул районларга бўлиниши ва тавсифномаси

Гидро- модул туман	Гидромодул районнинг ер майдони, га	Сув баланси дефицити мм	Фермер хўжалигининг ер шароити		Ер ости сувининг жойлашиши, м	Ер ости сувининг минерализацияси, г/л				
			Тупроқ	Ер ости сувигача тупроқнинг механик таркиби						
«Сувчи» номидаги Сувдан фойдаланувчи уюшма «Қуат» фермер хўжалиги										
Автоморф қатордаги ерлар										
I	27	910	Аллювиал	Қум, қумчовут ва кам қатламли енгил қумоқ	>3 м	5-8				
II	15	910	Аллювиал	Енгил ва ўртacha қумоқ кам қатламли оғир қумоқ	-/-	5-8				
III	20	910	Аллювиал	Оғир қумоқ ва соз, оғир қумоқ механик таркиби кўп қатламли	-/-	3-5				
Ўзгармали қатордаги ерларв										
IV	28	910	Ўтлоқи аллювиал	Қум, қумчовут ва кам қатламли енгил қумоқ	2-3	3-5				

V	36	910	Үтлоқи аллювиал	Енгил ва ўртача қумоқ кам қатламли оғир қумоқ	2-3	3-5
VI	47	910	Үтлоқи аллювиал	Оғир қумоқ ва соз, оғир қумоқ механик таркиби күп қатламли	2-3	3-5
Гидроморф ерлар (сизот суви 1-2 м)						
VII	24	910	Үтлоқи ботқоқли	Күм, қумчовут ва кам қатламли енгил қумоқ	1-2	3-5
VIII	21	910	Үтлоқи ботқоқли	Енгил ва ўртача қумоқ кам қатламли оғир қумоқ	1-2	3-5
XI	39	910	Үтлоқи ботқоқли	Оғир қумоқ ва соз, оғир қумоқ механик таркиби күп қатламли	1-2	3-5

#### **4.5. Ғўза тажриба далаларин сугориши олдидан тупроқнинг намлигининг ўзгариши**

Ғўза вегетация даврида бир хил миқдордаги сувни истемол қилмайди. Шу боис экин ривожланишининг ҳар бир даври учун тупроқ-иқлим шароитини хисобга олиб маълум сув режими белгиланади. Шу туфайли сугориши ўтказиш лозим бўладиган сугориши режимининг ғўза илдизи зонасидаги тупроқ намлик даражасининг камайиши чегарасини белгилаш муҳимдир.

Тупроқдаги намлик ўсимликлар учун асосий сув манбаи бўлиб хисобланади. Уни тўғри бошқариш ўсимликлар ҳаёт-фаолияти, тажриба даласи тупроғининг намлигини ўзгаришига, сугориши тартибларининг таъсири учун зарур омиллар: ҳаво, туз, ёруғлик, озиқа, иссиқлик ва бошқаларга боғлиқдир. Тажрибаларда тупроқга сугориши олди намликни белгиланган намлиқдан  $\pm 1,5\%$  атрофидаги фарқ билан сақлаб туришга эришилди. Ғўза тажриба даласида, 2013 йил тадқиқотда, тажриба даласи тупроғининг намлигини ўзгаришига сугориши тартибларининг таъсири ўрганилди. Ғўзани сугориши муддати гулга киргунча 0-50 см қатламда, гуллашдан пишиш давригача 0-70 см қатламда ва пишиш даврида 0-100 см қатламдаги тупроқ намлиги бўйича белгиланди. Ғўза экилган тажриба далаларида 2013 йилда сугорилганда ўртacha тупроқ намлигининг ўзгариши тажрибанинг 1-назорат вариантида «Чимбой-5018» навининг гуллаш ва ҳосилга кириш даврида ўтказилган сугориши тупроқ оғирлигига нисбатан 15,4-16,2 % ва ЧДНС га нисбатан 69,6-71,4 % га teng бўлганда ўтказилди, яъни ғўзани сугоришда маҳаллий тупроқ-иқлим шароитлари, хусусан, тупроқнинг сув-физик хоссалари, ғўзанинг турли ўсиш ва ривожланиш босқичларида сувга бўлган хақиқий талабчанлигини назорат қилинганда ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келди.

2-вариантда «Дўстлик-2» навини гуллаш ва ҳосилга кириш даврида ўтказилган сугориши, тупроқ оғирлигига нисбатан 14,9-16,0 % ва ЧДНС га нисбатан 68,9-71,4 % бўлганда ўтказилди. Ҳосил пишиб етиладиган даврида эса сугориши талаб қилинмади.

3-вариантда «Чимбой-5018» навини суғориш гуллаш ва ҳосилга кириш даврида ўтказилган суғориш тупроқ оғирлигига нисбатан 18,6-19,4 % ва ЧДНС га нисбатан 78,2-81,4 % бўлганда ўтказилди. Ҳосил пишиб етиладиган даврида эса суғориш талаб қилинмади.

4-вариантда «Дўстлик-2» навини суғоришда тупроқ намлигининг ўзгариши тупроқ намлигига нисбатан 17,9-18,6 % ЧДНС га нисбатан 79,1-81,4 % ташкил этди. Ҳосил пишиб етилиши даврида эса суғориш талаб қилинмади.

#### 4.5.1-жадвал

Ғўза далалари тупроғининг суғориш олдидан тупроқ намлигининг ўзгариши, (2013 й)

№ Вар.	Ғўза Навлари	Тупроқ намлиги, ЧДНС га нисбатан %	Тупроқ намлик кўрсаткичлари, %	Суғориш сони			
				1	2	3	4
1	Чимбой-5018	70-70-60	Вазни, нисбатан	16,0	16,8	-	-
			ЧДНС га нисбатан	69,2	71,5	-	-
2	Дўстлик-2	70-70-60	Вазни, нисбатан	15,8	16,2		
			ЧДНС га нисбатан	69,0	70,3		
3	Чимбой-5018	80-80-60	Вазни, нисбатан	18,0	18,1	17,9	18,0
			ЧДНС га нисбатан	79,2	80,0	79,8	79,2
4	Дўстлик-2	80-80-60	Вазни, нисбатан	18,2	18,0	18,2	18,5
			ЧДНС га нисбатан	80,1	79,0	80,7	80,2

#### 4.6.Ғўза навларининг мақбул суғориш тартиблари

Суғориш меъёри қўйидаги формула бўйича аниқланди.

$$m = 100 \cdot h \cdot j \cdot (W_{\text{ЧДНС}} - W_{XH}) + K = m^3/\text{га}$$

$W_{\text{ЧДНС}}$  - тупроқ оғирлигига нисбатан чекланган дала нам сифими, %;

$W_{XH}$  - тупроқ оғирлигига нисбатан суғоришдан олдинги ҳақиқий намлиги, %;

$j$ - тупроқнинг ҳажм оғирлиги,  $\text{г}/\text{см}^3$ ;

$h$ - ҳисобий қатлам қиймати, м;

$K$ - сугорища буғланишга сарфланган сув сарфи,  $\text{м}^3/\text{га}$  (ҳисобий қатламда етишмаган намликнинг 10 % ).

Тажриба даласида экиб парваришиланган «Чимбой-5018» ва «Дўстлик2» ғўза навлари белгиланган намлик асосида суғорилди. Вегетация даврида ғўзанинг ҳар-бир вариантидаги суғоришлар сони, муддатлари ва умумий берилган сув микдорлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилди.

«Чимбой-5018» нави экилган тажриба далаларида 2013 йили суғориш тартиби бўйича тажрибанинг 1-вариантида вегетация даврида ғўза 0-2-0 схема бўйича гуллаш-ҳосилга кириш даврида икки марта ўтказилиб суғориш меъёрлари ( $975 \text{ м}^3/\text{га}$ ) билан суғориш ҳисобига тупроқнинг фаол қатламида намлик даражаси ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % таъминланди, ҳосил пишиб етилиш даврида суғорилмади ва мавсумий суғориш меъёрлари  $2075 \text{ м}^3/\text{га}$  ни ташкил қилди. Суғоришлар ўртасидаги давр 25-28 кунга тенг бўлди.

«Дўстлик-2» навини тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % бўлган 2-вариантда ғўза 0-2-0 схема бўйича 2 марта суғорилди. Ғўза униб чиққандан то гуллаш ва ҳосилга кириш давригача  $948-962 \text{ м}^3/\text{га}$  суғориш меъёрлари билан икки марта суғорилди. Суғоришлар ўртасидаги давр 27-27 кунга тенг бўлди. Тадқиқотлар ўтказилган даврда, «Дўстлик-2» навининг ҳосил пишиб етилган даврда ғўзани суғориш талаб қилинмади.

«Чимбой-5018» навини (3-вар) тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % бўлганда ушинчи вариантда ғўза 1-3-0 схема бўйича 4 марта суғорилди. Ғўзани  $548-710 \text{ м}^3/\text{га}$  суғориш меъёрлари билан суғорилиб, мавсумий суғориш меъёрлари  $2613 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлди.

«Дўстлик-2» навини суғоришдан олдинги намлиги ЧДНС-га нисбатан 80-80-60 % бўлган 4 вариантда 1-3-0 схемада суғорилиб, суғориш меъёри  $580-710 \text{ м}^3/\text{га}$  ва суғоришдан олдинги намлиги 80-80-60 % бўлиб 1-3-0

схемада суғоришни талаб қилди. Мавсумий суғориш меъёри 4 вариантда  $2635 \text{ м}^3/\text{га}$  бўлди.

#### 4.6.1-жадвал.

Ғўза навларининг суғориш тартиблари.

Ғўза навлари	Тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, %	Кўрстакишлар	Суғориш сони				Умумий суғориш меъёри, $\text{м}^3/\text{га}$
			1	2	3	4	
Чимбой-5018	70-70-60	Суғориш муддати	22.06	20.07	20.08	-	2075
		Суғориш оралиғи	28	25	-	-	
		Суғориш меъёри $\text{м}^3/\text{га}$	1100	-	975	-	
Дўстлик-2	70-70-60	Суғориш муддати	20.06	18.07	15.08	-	1910
		Суғориш оралиғи	28.	27	-	-	
		Суғориш меъёри $\text{м}^3/\text{га}$	948	962	-	-	
Чимбой-5018	80-80-60	Суғориш муддати	5.06	22.06	10.07	10.08	2613
		Суғориш оралиғи	17	18	20	-	
		Суғориш меъёри $\text{м}^3/\text{га}$	675	548	710	680	
Дўстлик-2	80-80-60	Суғориш муддати	12.06	1.07	21.07	21.08	2635
		Суғориш оралиғи	18	20	21	-	
		Суғориш меъёри $\text{м}^3/\text{га}$	710	645	580	700	

#### **4.7.Ғўза навларининг ўсиши ва ривожланишига суғориш режимиининг таъсири.**

Ғўзанинг «Чимбой-5018» ва «Дўстлик-2» навининг ўсиши ва ривожланиши бўйича фенологик кўзатувлар шуни кўрсатадики, шўрланган ёки ерларда ўсимликнинг илдизи тарқаладиган қатламларида мақбул сув режимини сақлаб туриш, ўсимликлар таналаридаги физиологик жараёнларнинг йўналишини белгилайдиган тупроқдаги сувда эрувчан тузларнинг таркиби ва микдорига боғлиқдир. Худуда шундай майдонларда пахта етиштиришнинг асосий даври бўлиб, ғўзанинг гуллаш ва ҳосил тўплаш фазаси бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг олиб борган кузатувларимиз шундан далолат берадики, шўрланган оғир қумоқ тупроқларда суғоришдан олдинги намликнинг мақбул режими бўлиб гуллашдан то ҳосил тугишигача бўлган даврда ЧДНС га нисбатан 80 % бўлганда, ҳосил пишиб етилгунча бўлган даврда ЧДНС га нисбатан 60 % бўлган режим ҳисобланади. Мўл ҳосил олиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун ҳар бир ўсимлик нормал ўшиш ва ривожланиши ҳамда яхши ҳосил тўплаши керак.

Ғўзанинг «Чимбой-5018» ва «Дўстлик-2» нави экилган тажриба далаларида 2013-йили фенологик кузатувлар шуни кўрсатадики, тажрибанинг вегетация бошида ғўза кўчатининг қалинлиги гектар бошига 86,6-91,4 минг тўпни ташкил этган бўлса, вегетация охирига бориб кўчатнинг қалинлиги гектарига 83,7-90,1 минг тўп ташкил қилди ёки 1,3-2,9 минг тўпга камайиши кузатилди.

## 4.7.1-жадвал

## Вегетация боши ва охирида ғўза кўчатининг қалинлиги

№ Вар	2013 йил	
	вегетация бошида	вегетация охирида
1	90,7	83,7
2	87,3	85,6
3	86,6	84,3
4	90,9	83,7
5	90,0	86,5
6	89,5	84,9
7	86,7	85,6
8	91,4	90,1

«Дўстлик-2» ғўза нави кўчатининг вегетация бошида қалинлиги гектар бошига 86,6-91,4 минг тўпни ташкил этди ва вегетация охирига бориб кўчатининг қалинлиги гектарига 83,7-90,1 минг туп ташкил қилди ёки 1,3-2,9 минг тупга камайиши кузатилди.

«Чимбой-5018» ғўза нави экилган тажриба олиб борилган йилларда экишдан то нихолларнинг униб чиққунига қадар 8-10 кун, нихолларнинг кўкариб чиқишидан то дастлабки чинбарг чиқаргунга қадар 9-10 кун, биринчи чинбарг чиқаргандан то шоналай бошлагунга қадар 26-27 кун, шоналай бошлагандан то гуллай бошлагунгача 27-28 кун ва гуллай бошлаганда то ҳосил етилишга қадар 58-59 кун вахтни ўтади.

«Дўстлик-2» нави экилган вариантда тажриба олиб борилган йилларда экишдан то нихолларининг униб чиққунига қадар 8-10 кун, нихолларининг кўкариб чиқишидан то дастлабки чинбарг чиқаргунга қадар 9-10 кун, биринчи чинбарг чиқаргандан то шоналай бошлагунга қадар 26-27 кун.

## 4.7.2-жадвал

Суғориш усуллари ва тартибларининг ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири

№ вар	Чин барги см	Ғўзанинг бўйи, см					Ҳосил шохлар сони, дона	Кўсаклар сони, Дона		
		1.06	1.06	1.07	1.08	1.09		1.07	1.08	1.08 очилгани
1	2,8	11,8	49.0	90,0	110.0	6,6	13,0	6,6	10,8	4,0
2	3,0	11.0	49.0	90.0	116.8	6,9	13,9	6,9	10,8	4,0
3	3,0	11.0	47.6	90.9	114.8	7,0	13,4	7,0	12,2	3,8
4	3,0	12.0	49.0	92.6	110.8	7,6	14,8	7,2	12,4	4,0
5	2,9	11.6	49.0	98.0	114.3	7,6	14,4	7,8	13,0	3,8
6	2,9	10.6	48.6	99.0	114.2	8,7	15,8	8,0	14,7	4,0
7	3,0	10.8	48.4	97.8	116.6	8,6	14,7	8,6	14,6	4,0
8	3,0	10.4	48,9	99.6	118,9	8,6	15,0	8,9	14,8	4,0

Шоналай бошлаганда то гуллай бошлагунча 27-28 кун ва гуллай бошлаганда то ҳосил етилишга қадар 58-59 кун ва вахтни ўтади. Бу варианттағўза като суғориш меъёрлари билан суғорилиши ва тупроқдаги намликнинг юқори бўлиши унинг ривожланиш фазаларининг бироз кеч бошланишига олиб келди ҳамда ўсув даврининг давомийлиги енг узун бўлиб 130-136 кунни ташкил этди.

6-вариантда бу кўрсаткишлар мос равища 8-10 кун, 9-10 кун, 25-27 кун ва 27-28 кунни ташкил қилди. Ушбу вариантта ғўзанинг вегетация давомийлиги енг кам: 123-127 кунни ташкил этди. Бу назорат вариантига нисбатан 6 кун камдир. 3-вариантта бу кўрсаткишлар мос равища 8-10 кун, 9-10 кун, 25-27 кун, 26-27 кун ва ғўзанинг вегетация давомийлиги 125-130 кунни ташкил этди.

Тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % бўлган вариантларда (6 вариант) ғўзанинг бўйи 81,8-96,9 см ни, ҳосил шохлари 10,7-13,9 донани,

кўсакларнинг сони 11,5-13,8 донани ва 1-сентябрда очилган кўсаклар сони 2,4-4,5 донани ташкил қилиб, (6 вариант) тажрибанинг бошқа вариантларига нисбатан ўсиш ва ривожланишда энг яхчи кўрсаткичларга эга бўлиб, тўпроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 5 бўлган вариантларга нисбатан ҳосил шохлари 0,5-0,7 донага, кўсакларнинг сони 1,1-1,3 донага ва 1-сентябрда очилган кўсаклар сони 0,4 донага кўп бўлди. 1-нозорат вариантида бу кўрсаткишлар мос равишда 95,3-100,6 минг тўпни, 93,8-98,5 минг тупни, 1,5-2,1 минг тупга, 82,3-99,3 см, 10,2-13,2 дона, 10,2-12,7 дона, 2,0-4,1 донани ташкил қилди.


4.7.2-жадвал маълуматлардан кўриниб турибдики, ғўзани ривожланиш фазаларини ўташ ва фазалар давомийлиги тажриба вариантларига мувофиқ равишда ңурлиша бўлган. Тажриба даласида олиб борилган бир йиллик кузатишлардан маълум бўлдики, суғориш муддатлари минерал ўғит миқдори унинг ўсув даврининг давомийлигига тарлича таъсир кўрсатади.

#### **4.8. Янги ғўза навларининг илдизининг ривожланиши.**

Тавсия этилган ғўза навлари ўзининг биологик ривожланишига боғлиқ ўсиш, ҳосил тўплаш, ҳосил олиш ва бошқа хусусиятлари билан ўзгариб туради.

Шу туфайли ғўза навларининг илдизининг ривожланиши ўзгача бўлиши керак ва илдизининг ривожланиши бўйича озиқа элементларни, тўпроқ намлигини ўзига қобул қиласи.

Чимбой-5018 ва Дўстлик-2 ғўза навининг илдизининг ривожланишини кузда текширганимизда Дўстлик-2 ғўза нави анча теранга ва ён томонга ўсар экан.(4.8.1-расм). Демак, Дўстлик-2 ғўза нави тўпроқ намлигидан анча яхчи фойдаланар экан. Олинган маълумотлар бўйича Дўстлик-2 ғўза нави Чимбой-5018 ғўза навига солиштирганда сизот сувлардан капилляр найчалар ёрдамида кўтарилиган намликтан 13,5-16,7% кўп миқдорда фойдаланаар экан. Бу олинган маълумотни янги ғўза навларининг суғориш таркибини аниқлагандага алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ келади.



Дўстлик-2 фўза навининг  
ривожланиши

Чимбой-5018 фўза навининг  
ривожланиши

4.8.1-расм Фўза навларининг илдизининг ривожланиши.

#### **4.9. Суғориш усуллари, тартибларнинг фўза ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири**

Тажриба далаларига 2013 йили «Чимбой-5018» ва «Дўстлик-2» фўза навлар экилди ва олинган пахта ҳосили бўйича маълумотлар 4.9.1-жадвалда келтирилган бўлиб, «Чимбой-5018» навининг 1-назорат вариантида 1 центнер пахта етиштириш учун бошқа вариантларга нисбатан кам:  $71,4 \text{ м}^3/\text{ц}$  дарё суви сарфланди ва нисбатан кам: 24,1-25,6 ц/га ҳосил олинди. Тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % бўлган 2-вариантда «Дустлик-2» навидан 1 центнер пахта етиштириш учун  $105,4 \text{ м}^3/\text{ц}$  дарё суви сарфланиб 24,1-26,8 ц/га фўза ҳосили олинди. Бу назорат вариантига нисбатан 1,2 ц/га кўпдир. 3-вариантда 1 центнер пахта етиштириш учун  $105,4 \text{ м}^3/\text{ц}$  дарё суви сарфланиб 27,1-29,5 ц/га фўза ҳосили олинди. Бу назорат вариантига нисбатан 2,3 ц/га кўпдир. «Чимбой-5018» навини тупроқ намлиги ЧДНС-га нисбатан 80-80-60 % бўлганда суғоришни ўтказгандага 1 центнер пахта етиштириш учун

65,0 м<sup>3</sup>/ц дарё суви сарфланиб, 25,8-27,6 ц/га пахта олинди. Ўза ҳосили бу варианта назорат вариантига нисбатан 1,7-2,0 ц/га кўп бўлди.

«Дўстлик-2» навини тупроқнинг ЧДНС-га нисбатан 80-80-60 % бўлганда 1 центнер пахта етиштириш учун 10,8 м<sup>3</sup>/ц дарё суви сарфланиб 26,4-30,1 ц/га пахта олинди. Бу вариантда ўза ҳосили 2,0-3,3 ц/га кўп бўлди.

Суғориш тартиби ҳамда агротехник тадбирларни амалга оширилиши бир кўсакдаги пахтанинг оғир бўлишига таъсир қилувчи энг асосий омил ҳисобланади.

#### 4.9.1-жадвал.

Суғориш тартибларининг пахта ҳосилига таъсири, 2013 й.

№	Ўза нави	Суғориш тартиби, %	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га			Ўза ҳосилдорлиги, ц/га	
			N	P	K	2013	1 ц пахта учун сарфланган дарё суви м <sup>3</sup> га
1	Чимбой-5018	70-70-60	160	112	80	24,1	81,9
2	-/-	-/-	220	154	110	25,6	100,4
3	Дўстлик-2	70-70-60	160	112	80	24,4	70,6
4	-/-	-/-	220	154	110	26,8	97,0
5	Чимбой-5018	80-80-60	160	112	80	25,8	64,7
6	-/-	-/-	220	154	110	27,6	70,7
7	Дўстлик-2	80-80-60	160	112	80	26,4	66,5
8	-/-	-/-	220	154	110	30,1	70,9

Ўза экиласидаги тажриба даласида 2013 йилда бир кўсакдаги пахта вазни бўйича маълумотлар 4.8.2-жадвалда келтирилган. бўлиб, тажрибанинг 1-вариантида теримлар бўйича бир кўсакдаги пахта вазни: 1-теримда 5,70-5,96 г; 2-теримда 5,68-5,86 г; 3-теримда 5,16-5,80 г бўлиб, 4-теримда 5,10 ва 5,68 г бўлди. Бир кўсакдаги пахта вазни ўртача 5,64-5,87 граммга teng бўлди.

## 4.9.2-жадвал

Суғориш тартибларининг бир кўсақдаги пахта вазнига таъсири, 2013 й.

№ Вар.	Теримлар бўйича бир кўсақдаги пахта вазни, г				Ўртача бир кўсақдаги пахта вазни, г
	1	2	3	4	
1	5,70	5,68	5,16	5,10	5,64
2	5,80	5,76	5,19	5,30	5,72
3	5,76	5,70	5,64	5,40	5,68
4	5,80	5,74	5,69	5,44	5,74
5	5,79	5,71	5,64	5,61	5,78
6	5,90	5,78	5,70	5,60	5,86
7	5,96	5,80	5,74	5,65	5,80
8	5,94	5,86	5,80	5,68	5,87

Ғўзани етиштиришда суғориш орқали тупроқда мақбул намликини ўсимликга етарли даражада таъминланса, режадаги ҳосилдорликни беради, пахта толаси, сифат кўрсаткишларининг яхшиланишига олиб келади. Бу ҳолат, етиштирган пахта ҳосилидан олинган намуналарни лаборатория шароитида ўтказилган текширишлар орқали тасдикланди. 4.9.3-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра 3 ва 6 вариантда пахта толасининг чиқиши 34,9-35,0 % ни нисбий узилиш кучи 26,8 га/тес ни, 1000-дона чигит оғирлиги 112,5-114,7 грамни ва тола узунлиги 34,3-34,4 мм ташкил килди.

Янги «Чимбой-5018» ва «Дўстлик-2» ғўза навларини етиштиришда суғориш орқали тупроқда мақбул намлиқдан самарали фойдаланиш усули билан ўсимлиикга етарли даражада таъминласак юқори ҳосил олиш билан, пахта толасининг сифат кўрсаткишларининг яхчиланишига олиб келади.

## 4.9.3-жадвал

Суғориш тартибларининг пахта толасининг сифат қўрсаткишларига таъсири,  
2013 й.

№ Ba r	Тола чиқи ши %	1000 дона чигит оғир- лиги	Нав	Узили ш кучи гр/куш	Чизиқли ва линиявий зичлиги м/тек с	Етилиш коэффиценти	Нисбий узилиш кучи, гр/тек с	Тола узунлиги
1	34,6	110,5	1	4,5	164,5	2,0	26,0	34,3
2	35,8	115,0	1	4,6	168,0	2,0	27,0	34,0
3	35,4	112,1	1	4,6	166,7	2,0	26,5	34,4
4	36,2	114,8	1	4,6	168,6	2,0	27,0	35,0
5	35,6	114,8	1	4,5	168,0	2,0	26,9	35,0
6	36,5	116,6	1	4,6	170,0	2,0	27,4	35,4
7	36,5	115,9	1	4,5	169,5	2,0	27,4	35,4
8	36,9	116,9	1	4,6	170,5	2,0	27,6	35,5

## **5. ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҲАВЗАСИ СУГОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИ ҲОЛАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ АСОСИЙ ДЕГРАДАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ.**

БМТ Ҳайъатининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ўтказган тадқиқотларида табиий ресурсларни, унда содир бўлиши мумкин бўлган салбий жараёнларни ҳисобга олмай туриб, кенг миқёсда фойдаланиш табиат, атроф-муҳит учун бир қадар «иккиласми» ва тасаввур қилиб бўлмайдиган зарарни келтириб чиқариши, бу оқибатларнинг қиймати эса олинадиган фойдадан бир неча юз баробар ошиб кетиши мумкинлиги қайд этилган .

Халқаро UNESCO ташкилоти маълумотларига кўра, XX асрнинг охирги чорагида инсон фаолияти таъсирида 9 млн. км<sup>2</sup> дан ортиқ таназзулга яъни деградацияга учраган ер майдонлари пайдо бўлиб, улар ҳозирда умумий қуруқлик майдонининг 43% ини ташкил этади. Ҳозирда дунё аҳолисининг 1/6 қисми сахроланиш жараёнидан азият чекмоқда. БМТ экспертларининг таъкидлашларича, XXI асрнинг охирига келиб маҳсулдор ерларни даврий йўқотилиши натижасида дунё ўзини ҳайдаладиган ерларнинг деярли 1/3 қисмидан айрилиши мумкин .

Суғорилиб дехқончилик қилинадиган ҳудудларда узоқ давом этаётган суғориш, механик ишлов бериш, минерал ва органик ўғитларни мунтазам қўллаш натижасида, дастлабки табиий тупроқлардан кескин фарқланувчи, янги типдаги тупроқлар шаклланди, эволюцион жараёнлар тезлашиб, олдинги автоморф ва яримгидроморф тупроқлар ўрнида гидроморф тупроқлар пайдо бўлди, суғориш ҳудуд тупроқлардаги мелиоратив жараёнларни тубдан ўзгартиришга олиб келди. Узоқ вақт суғоришлар тупроқ намлигини ошириб, ўзи билан олиб келган турли моддалар ҳисобига тупроқ жараёнларига сезиларли таъсир кўрсатди. Намланишнинг ортиши ўсимликларни яхши ривожланишига имкон яратиши билан бирга, тупроқда гипс ва карбонатларнинг кўплаб тўпланишига, тупроқнинг сув-физикавий, физик-кимёвий, биологик хоссалари ва мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига олиб келди. Антропоген омиллар таъсирида кучайиб бораёган

салбий ҳолатлар тупроқ шўрланиши ва таназзули жараёнлари қишлоқ хўжалигига тикланмас заарар етказмоқда, бу муаммолар ўз навбатида олимлар, тупроқшунослар, мелиораторлар ва бошқа мутахассисларни ер ресурсларидан тўғри ва самарали фойдаланиш масаласини янгидан кўриб чиқишига даъват этмоқда.

Орол денгизи ҳавзаси орографик жиҳатдан икки қисмга: ғарбий 70% га яқин майдонларни ўз ичига олган Турон текислиги ва шарқий–денгизга бориб қўйиладиган, унинг ҳавзасини шакллантирадиган Сирдарё ва Амударёларнинг бошланғич сув олиш худудлари ҳисобланган Помир ва Тиёншан тогли массивлари қисмларига бўлинади.

Турон текислиги ва унинг ўраб турган тоғни массивлар генетик ва функциянал узвий боғланган бўлиб, улар бир бутунликдаги занжирлар тизимини ташкил этади. Занжирнинг тогли қисми регионал, гидрогеологик, гидрологик ва гиекимёвий оқимлар манбалари ҳисобланиб, бу тоғли массивларнинг эпейрогоник қўтарилиши жараёни Орол ҳавзаси тоғ олди ва текислик зоналарига муаллоқ ва минерал моддалар ҳамда кимёвий элементларнинг муттасил олиб келиниши, кейинчалик эса бу келтирилганларнинг табақаланиб ва тўпланиб бориши давомийлигини таъминлаб туради, бу жараёнларнинг фаоллик даражасни бошқариб туради. Ҳозирги вақтда Орол ҳавзасидаги экологик мелиоратив вазият салбий томонга ўзгарган, янада жиддийроқ тус олган, ҳавзанинг асосий суғориладиган ерларида кучли минераллашган ер ости (грунт) сувлари ер юзасига яқин қўтарилиши натижасида шўрланиш ва шўрхокланиш жараёнлари фаоллашиб бораётган бўлса, яна бошқа бир худудларда суғориш дарё сувларининг танқислиги боис сахроланиш қургоқлашиш жараёнлари жадаллашиб экологик-мелиоратив вазиятни янада мураккаблаштирган. Сирдарё ва Амударё сув оқимларининг камайиши дengiz сатҳининг кескин пасайишига олиб келган, кучли чанг-тузли тўзонларнинг тез-тез такрорланиб туриши натижасида суғориладиган тупроқларда шўрланиш ҳолатлари, шўрланиш химизмида эса захарли тузлар миқдори ошган, Орол бўйи

регионида катта ер майдонларида шўрхоклар хосил бўлган. Коллектор-зовур шўрланган сувларнинг дарёларга ташлаб юборилиши натижасида дарё сувларининг дарёларга ташлаб юборилиши натижасида дарё сувларининг минерализацияниш даражаси кескин ортиб 2,5-3,0% гача етган. Денгизнинг 3,5-4,6 млн гектардан ортиқ қуриган тубидан кўтарилаётган миллионлаб тонна чанг тузлар эса сайёрамизнинг олис нуқталаригача этиб борганлиги тўғрисида ашёвий маълумотлар мавжуд.

Ҳозирда Орол денгизи атрофига юзага келган,,Экологик бўй хрон таъсири нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқлари, балки қўшни қитъалар халқларларига ҳам маълум даражада ҳавф солмоқда. Бу салбий жараённи ўз кўламига қўра, кейинг 100-йилликнинг энг катта даражаси дейиш мумкин. Мухтасар қилиб айтганда Орол денгизи минтақаси аллақачон инсон назоратидан бутунлай чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан БМТнинг Бош ассамблияси 48-сессиясида „Экологик носоглом минтақа деб эълон қилинган.

Юқорида айтиб ўтилган Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ содир бўлган экологик-мелиоратив ҳолатини янада муфассалроқ тавсивлаш мақсадида ҳозирда Орол денгизи ҳавизаси, жумладан республикамиз сугориладиган ерларида содир бўлаётган ва ривожланиб бораётган тупроқлар деградацияси холатларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Маълумки сугориш сугорма деҳқончиликда нихоятда муҳим аҳамиятга эга бўлиб , қишлоқ хўжаликда етиштирилаётган махсулотларнинг 95-96% айнан ана шу сугориладиган тупроқлардан олинади. Сугориш тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг тубдан ўзгартиради, тупроқ жараёнлари ва хоссаларига ижобий таъсир қўрсатади. Оптимал меъёларидағи намлик, мунтазам ишлов беришлар ва ўғитлар кўллаш тупроқлар биологик ва физик кимёвий фаоллигини ва бошқа тупроқ жараёнлари жадаллигини оширади, сугориш тупроқнинг сув, ҳарорат, иссиқлик режимларига ижобий таъсир қўрсатиб, ўсимликларни нормал ўсиши ва ривожланиши ҳамда озиқланишини мақбул меъёрларда таъминлайди.

Суғориш шунингдек гумусли қатламларнинг бақувват шаклланишига, тупроқ профилида лойланиш жараёнларининг тезлашишига, озиқа моддаларининг фаол харакатланишига, табиий шароитларни яхшилашга имкон яратиш билан бирга, бир қатор салбий экологик ҳолатларга, жумладан грунт сувларининг ер юзасига яқин кўтарилишига ва у билан боғлик шўрланиш ва шўрхоклашиш жараёнлариниг шаклланишига, тупроқлар табиий ҳолати ва структурасининг бузилишига олиб келади.

Суғоришлар айниқса ортиқча сув беришлар ёки минераллашган коллектор-зовур сувлари билан суғориш тупроқ дегредацияси жараёнларини ривожланишига ва табиий тупроқ унумдорлигини пасайишига ҳамда суғрладигон массивлар билан ўралган худудлар тупроқ- мелиоратив ва экологик ҳолатларини ёмонлашишига имкон яратади. Суғориш нафақат суғориладиган массивлар доирасидаги, балки геокимёвий боғлиқликдаги ландшафтлар табиий экотизимлари ҳолатини ҳам ўзгартиради. Бу фактларни мелиоратив тупроқшуносликда узоқ йиллар ҳисобга олинмай келингандиги Орол худудида экологик вазиятни янада мураккаблашганлигининг бош сабабларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Назоратсиз ва юқори меъёрларда суғоришлар натижасида чучук сувлар микдори кескин камаяди, шу вактнинг ўзида фильтрацияга бўлган йўқотишлиар ва зовур сувларининг катта хажмларда тўпланиши ҳисобига суғориладиган ва суғорилмайдиган ерларда ташландиқ-оқава сувлар тўпланиши ҳисобига айrim худудларда умумий сув босиш зоналари кенгайди, айrim худудларда улкан қўллар хосил бўлди, натижада қисман суғориладиган ва катта худудлардаги яйлов майдонлари сув остида қолиб кетди. Бу қўлларда нафақат кучсиз ва ўртача даражада минераллашган сувлар, балки зовур сувлари билан олиб келинган заҳарли химикатлар, ўғитлар, пестицидларҳамтўпланган.

Орол ҳавзаси худудлари шароитида қуйидаги тупроқ деградацияси жараёнлари кўпроқ ривожланган:

1. Иккиламчи шўрланиш –Марказий Осиё, шу жумладан республикамиз суғориладиган ерларда энг кўп тарқалган деградация жараёнларидан ҳисобланиб асосан грунт сувларининг сатҳи „киритик чукурлиқдан (2,5-3,м) кўтарилиган, минерализация даражаси 3-5% ва ундан ортиқ бўлган гидроморф ва ярим гидроморф сув режими шароитида айниқса кенг ривожланган. Шўрланиш асосий тупроқ деградацияси жараёнларидан ҳиобланиб суғориладиган тупроқлар унумдорлик даражаси ҳамда экотизмлар мелиоратив-экологик ҳолатини белгиловчи бош омил бўлиб, қишлоқ хўжалигига катта зарап етказади. Жумладан кучсиз шўрланган ерларда пахта хосилдорлиги 20-30%, ўртача шўрланган тупроқларда 40-60%, кучли шўрланган ерларда 80% гача камаяди, жуда кучли шўрланган ва шўрхоклашган тупроқларда ғўза ниҳоллари жуда сийрак униб чиқади, уларнинг асосий қисми биринчи суғоришкаёқ деярли нобуд бўлади.

Тупроқ шўрланиши жараёни бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, бу суғориш учун юқори минераллашган зовур сувларидан фойдаланиш айниқса хавфли ҳисобланиб, кейинги йилларда бундай сувлардан фойдаланиш натижасида барча маданийлаштирилган ҳам эскидан, ҳам янгидан суғориладиган тупроқларда шўрланиш ҳолатлари кенг тарқалган. Шўрланиш генезиси келиб чиқишидан қатъий назар ўсимликларни ўсиш ва ривожланишига ва туроқлар хоссаларга салбий таъсир кўрсатади, экологик-мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради, тупроқ унумдорлиги ва экинлар хосилдорлигини кескин пасайтиради.

2. Ортиқча намланиш (сувбосиши) суғориладигон ерларда кенг тарқалган деградация жараёнларидан ҳисобланиб суғориш ва ортиқча намланиш натижасида грунт сувлари кўтарилиб, тупроқлар гидроморфизм кучаяди. Бу жараён пастқамлик, ботиқлик суғориладиган ерларда, каналлар аттрофида, сув босиши дойимий зонналари юқори турғун ҳолатни (1-2м) эгаллаган ерларда янада кучлироқ ўз ифодасини топади. Одатда арид қурғоқлик шароитидаги ортиқча намланиш ҳолатлари шўрланиш жараёнлари билан бирга учрайди. Шўрланиш суғориладиган тупроқлар хоссаларига

кўрсатадиган ортиқча намланиш таъсирини (сувда эриган тузлар хисобига) янада кучайтиради тупроқнинг сув, ҳаво, туз режимларининг номақбул томонга ўзгартиради. Ортиқча намланиш зовур тўпланган зона ерлари атрофида шу жумладан суғориладиган массивлардан ташқари худудларда айникса фаол намоён бўлади, атроф мухитга ўз таъсирини кўрсатади.

Тоғ олди ва тоғ ости текисликларидағи абсолют баландда жойлашган худудларни ортиқча суғориш қўйи жойлашган зона ерларини сув босиши натижасида ортиқча намланиш ва шўрланишга олиб келади, гидроморфизм жараёнлари кучаяди, тупроқ хоссалари салбий томонга ўзгариб боради.

3. Сахроланиш жараёни муайян худуднинг қаттиқ қуриб кетиши, намлик етишмаслиги ҳисобига сув режимининг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, бу жараён асосий холатларда сув оқимларини нотўгри бошқариш яъни сув омборларини кўплаб қуриш, сувлардан кераксиз мақсадларда фойдаланиш натижаси ҳисобланади. Сахроланиш жараёни ер ости ва ер усти сувлари оқимининг камайиши билан боғлиқ ер ости грунт сувлари сатхини кескин пасайиб кетиши билан содир бўлади. Айнан мана шу ҳолат яъни Орол денгизи сатхини пасайиши уни ўраб турган худудлар сахроланишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда денгизга куйиладиган Амударёнинг қўйи делъта ва қайир ерларида Евро Осиёда энг катта ҳисобланган 600 минг гектардан ортиқ майдонлардаги ўрмон-бутазорлар, ўт-пичан ва табиий яйловларнинг 60-70% ва хатто 90% гача кисқариб кетиши сахроланиш жараёнининг кучайиб боришига яқъол мисол бўлаолади.

Дарё сув оқимларининг турли мақсадларда бошқариш, ҳозирда қайир ерлар ва делъталар сув режимларини тубдан ўзгартирган, олдинги гидроморф тупроқларни сахроланишига, тўқай ўрмонзорларини ҳалок бўлишига ва бошқа номақбул оқибатларга олиб келган, аллювиал тупроқлар унумдорлигини деярли йўқотиб бўлган. Орол денгизининг қуриган туби қисмида шамоллар ёрдамида ён-атроф худудларга тошиб кетувчи, тузлар манбаи бўлиб хизмат қилувчи шўрхокларнинг „Ўликzonasi ҳосил бўлмоқда.

Сахроланиш қақраб кетиш жараёни сугориладиган ерлар учун бевосита типик ҳолат бўлмасада, бироқ антрапоген таъсирга учраган. Ўрта Осиё ерларида бужараён етарлича кенг тарқалган ва алоҳида ўрганиш, хар томонлама ёндошиш обьекти ҳисобланади.

4. Ирригацион эрозия жараёни – сугориладиган тоғ олди ва тоғ ости худудлари вақир-адир ерлар учун айниқса хавфлидир. Бу минтақа ерларини қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда ҳайдалиши ва уларни сугорма дехқончиликка жалб қилиниши ирригация эрозиясини жадал ривожлантиришига ўз навбатида тупроқ хоссаларининг ёмонлашишига олиб келади. Очилиб қолган тузли жинсларнинг ёғинлар таъсирида ювилиши натижасида нафақат эрозия, балки бу ерлардан сувда осон эрувчи тузларнинг оқизиб кетилиши ҳисобига гипсометрик куйи жойлашган зоналарда шўрланиш, катта массивларда қайта шўрланиш жараёнлари содир бўлади. Бу турдаги шўрланиш жараёнлари Фарғона водийсида, Мирзачўлнинг жанубий тоғ олди худудларида, Қиргизистон ва Тожикистонда кенг тарқалган.

5. Шамол эрозияси – механик таркиби енгил қумли чўл тупроқлари ўзлаштирилган районлар, айниқса шўрхоқлар кенг тарқалган, ҳамда шамоллар 40-50 м/сек ва ундан ортиқ тезликда эсадиган, кучли чанг – тўзонлар шаклини олган, давомийлиги 50-55 кунни ташкил этадиган худудлар учун жуда ҳавфли ҳисобланиб ер юзасидан учирилган тупроқ заррачалари узоқ масофаларга олиб кетилади, ҳам сугориладиган, ҳам сугорилмайдиган ерларда шўрланишни келтириб чиқаради.

Энг ҳавфли тупроқ деградацияси жараёнларидан ҳисобланган шамол эрозияси Орол бўйи худуди учун улкан туз манбаларига айланган, денгизнинг қирғоқ зonasиниг қуриши ва сахроланиши натижасида янада кескин тус олган. Ҳайдаладиган ерларда амалга ошириладиган тадбирлар ва монокультура натижасида сугориладиган тупроқлар турғун структура ҳолатини йўқотади ва осон чангланади. Қуруқ об-ҳаво шароитида кучли шамоллар тупроқнинг устки қатламидан чангланишга учраган майда

заррачаларини учириб кетиши натижасида ўсимликларнинг илдиз бўғизлари очилиб қолади ва улар тез халок бўлади.

6. Агроген ва техноген ифлосланиш жараёнлари тупроқлар сифатини баҳолашда мухим рол ўйнагани ҳолда, бу жараёнларга узоқ вақтлар аҳамият берилмай келинди ва ҳозирча кам ўрганилган соҳалардан ҳисобланади, бу борада ҳатто умум қабул қилинган классификациялар ҳам йўқ ифлосланиш даражаларини ифодаловчи аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган. Шу вақтнинг ўзида агроген ва техноген ифлосланишларнинг тупроқда мавжудлиги, кейинги йилларда экологик вазиятнинг кескинлашиб бораётганлиги билан боғлик суғориладигон тупроқларни ифлослантирувчи агентлар-оғир металлар, хлор органик пестицидлар ва радионуклиидлардан муҳофаза қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади, маҳсус тадқиқотлар ўтказиш орқали уларни чуқур ва атрофлича ўрганиш талаб этилади.

Тупроқ деградация жараёнлари тавсифларининг якунида шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё (Оролҳавзаси) суғориладиган ерлари ёки уларнинг таъсиридаги зоналарда содир бўлган деградация жараёнлари ичида ўзининг шаклланиш масштаби ва қишлоқ хўжалигига етказадиган зиёни бўйича тупроқ шўрланиш жараёни алоҳида ўрин тутади.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ҳозирги вақтда сув ва ер ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш ўзгарди. Ҳавзалар ва каналлар бўйича сувни бошқариш, сув истеъмолчилари уючмалари ва фермер хўжаликлар тузилди. Шу туфайли биринчи умумий гидромодул районлаштириш ва ғўзани сугориш тартибини қайта кўриб чиқишини талаб қилмоқда.
2. Қорақалпоғистон худудидаги сугориладиган ерларда тошли-шағал йўқ ва ҳозирги вақтда автоморф ерлар сув танқислигига боғлиқ эски ўтлоқи-аллювиал ерлар бўлиб ер ости сувининг пасайиши билан автоморф ерларга ўзгарган. Шу туфайли бу автоморф аллювиал ерларнинг механик таркиби бўйича гидромодул районлаштиришни янгидан тузишни ўрганиб чиқиш зарур.
3. Фермер хўжалиги ерлари ва янги гидромодул туманлар бўйича шур ювиш, ғўзанинг сугориш таркиби, меъёри ва технологияларни янгидан ишлаб чиқиш замон талаби Фермер хўжалиги ерларини янги гидромодул туманлар бўйича унинг мослигига, ўзгашалигига асосланиб унга ғўздан юқори сифатли ҳосил олинадиган, сувни тежовчи табақалаштирилган сугориш таркибини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилди.
4. Фермер хўжалиги ерларига экиладиган ғўзанинг сугориш таркибини табақалаштириш учун қўйидаги тупроқ мелиоратив минтақага бўлинади.
  1. Ер ости суви сатқи 3 м паст бўлган ерлар. Бу ерлар автоморфли ерларга бўлиниб учта гидромодул районга ажиратилди. «Қуат» фермер хўжалигига автоморфли ерлар 32,7 гектар, ўзгартмали ерлар (ер ости суви сатқи 2-3) 47,9 гектар ва гидроморф ерлар (ер ости суви сатқи 1-2 м) 58,5 га бўлди.
5. Гидромодул районлаштиришда автоморф ерлардан шағал-тошли ерлар, олиб ташланади ва ўтлоқи аллювиал ерлар хусусиятига эга ерларга мос тупроқнинг механик таркиби ва жойлашиши ҳисобга олинди. Гидромодул районларга бўлишда ер ости сувидан капилляр найчалар оркали

намликтининг кўтарилиши, тезлиги ва янги ғўза навларининг илдизининг жойлашишиш ҳисобга олинди

6. Оғир тупроқли, қатламли ерларда ғўзанинг ер ости сувидан фойдаланишини, юқори томони оғир тупроқли пастки қисми қумоқ ерлардан анча кам булар экан. Шу туфайли ерларда ер ости сувининг кўтарилиши 50-150 см га етади. Бу ҳолатни ғўзанинг сугориш режимини аниқлашда алоҳида эътиборга олиш керак.
7. Ғўзанинг умумий ер ости сувидан фойдаланиши IV-гидромодул туманда 30-35 %, V-гидромодул туманда 20-25 %, VI-гидромодул 10-15 % бўлди. Гидроморф ерларда ғўзанинг ер ости сувидан фойдаланиши 45-55 % га етди.
8. Ғўзанинг ер ости сувидан фойдаланиши, тупроқни физикавий, кимёвий хоссаларини ўзгариши асосида гидромодул туманлаштириш 9-туманга тақоссланди. «Қуат» фермер хўжалиги ерларини гидромодул туманлар бўйича бўлиниб бир бирига мос ерлар бириктирилиб гидромодул туманлар бўйича умумий майдони аниқланди.
9. Дала тажрибаси асосида экилган даланинг мақбул ЧДНС, сугориш муддати, тартиби, таркиби, сугориш меъёри, умумий сугориш меъёри аниқланди.
10. Янги «Чимбой-5018» ва «Дўстлик-2» ғўза навлари V-гидромодул районларда тажриба ўтказилиб, бунда кучат қалинлиги, ўғит меъёри, сугориш тартиблари аниқланилиб энг юқори ҳосилни таъминловчи «Дўстлик-2» ғўза нави эканлиги тасдиқланди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Авлиёқулов А.Э., Баталов А. Фўзанинг ўрта толали "Бухоро-6" навини парваришлаш агротадбирлари тизими Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Ҳалқаро илмий-амалий конференция маъruzалари асосидаги мақолалар тўплами.-Тошкент, 2006.-Б. 238-239.
2. Авлиёқулов А.Э., Истомин В.М. Фўзанинг ўрта толали "Денов" навини парваришлаш агротадбирлари тизими //Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари: Ҳалкаро илмий-амалий конференция маъruzалари асосидаги мақолалар тўплами. 1.Т. - Тошкент, 2007.-Б. 304-310.
3. Агальцева Н.А. Оценка влияния климатических изменений на располагаемые водные ресурсы в бассейне Аральского моря, “Диалог о воде и климате: исследование случая бассейна Аральского моря”. - Ташкент, 2002.
4. Атақулов Т.У. Янгидан сугориладиган типик буз тупроқлар шароитида сугоришлар режимининг кузги буғдой хосилдорлигига таъсири: к/х фан номзодига ёзилган дисс, автореферати.-Т.: УзПИТИ, 2003.-16 б.
5. Азимов Б.Ж, Азимов Б.Б. Ўзбекистон вилоятларининг сугориладиган ерларида гидромодуль асосида сабзавот, полиз ва картошка экинларини сугориш тартиботи//Методик қўлланма:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2004. 99-102 б.
6. Беспалов Н.Ф., Рыжов С.Н. Гидромодульные районы и режим орошения хлопчатника в Голодной степи // Почвоведение, № 6, 1970. С. 82-91.
7. Беспалов Н.Ф. Гидромодульное районирование и режим орошения культур хлопкового севооборота в Голодной степи. Дис.д-ра с.-х. наук. Спец. 06.01.02. Утв. 15.09.72.-Ташкент, 1970.-С.58-86.

8. Бейсенбоев Т.Ш., Беспалов Н.Ф. Динамика засоления орошаемых почв и урожайность хлопчатника.-Т:Узбекистан, 1993. С-160.
9. Безбородов А.Г. Регулирование режима орошения хлопчатника в условиях Голодной степи Дис д-ра с.-х. наук. Спец. 06.01.02. Утв. 2005 Москва-С.68-86.
10. Безбородов А.Г., Безбородов Ю.Г. Новый водосберегающий способ полива // Земледелие. № 5, 1996, С. 42-46.
11. Губанов Я.В., Иванов Н.И. Озимая пшеница.-М.Агропромиздат, 1988.-220с.Гильдиев С.А. Орошения // Хлопководство. - Узбекистан, 1965. - № 2. -С.23-25.
12. Грамматики О.Г.Рациональная глубина увлажнения почву при орошении полевых культур в степной зоне.-Москва: Наука, 1966. -196 б.
13. Гидромодульное районирование и режимы орошения сельскохозяйственных культур по Ферганской области, под рук. Беспалова Н.Ф., “НПО Союзхлопок”.-Ташкент, 1986
14. Даля тажрибаларини ўтказиш услублари Нурматов Ш., Мирзажонов К,Авлиёкулов А., Безбородов Г., Ахмедов Ж., Тешаев Ш., Ниёзалиев Б., Холиков Б ва б.; Шамсиев А таҳрири остида.- Тошкент:УзПИТИ, 2007. -14-16.
15. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - Москва: Агропромиздат, 1985.351С.
16. Журақулов Б., Мирзаев.Ш. Сугориш технологиялари ва ингичка толали пахта навлари хосилдорлиги // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент, 2001.-№3.-Б. 26-28.
17. **Ибрагимов Г.А.** Дополнительный источник орошения хлопчатника. Ташкент, Узбекистан, 1970.-86 с.
18. Исабоев К, Хамидов М., Алиева Д. Экинларни сугориш ва хосилдорлик Т.:Мехнат, 1991.-1036.

19. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008.-1736.
20. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Узбекистан шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. -Тошкент: Узбекистан, 2009.-54 б.
21. Каримов И.А. Дехкончилик тараккиёти фаровонлик манбайи. Тошкент: Узбекистан, 1994. - 110 б.
22. Каримов И.А. Кишлок хужалик тараккиёти-тукин хаёт манбайи. Тошкент: Узбекистан, 1998. - 124 б.
23. Ковда В.А. Изменение плодородия почв при неправильном использовании воды при орошении.- Москва: Наука, 1967. - 360 с.
24. Константинов А.Р. Испарение в природе.-Латвия:Гидрометиздат, 1968. -532с.
25. Костяков А.Н. Основы мелиорации. - Москва: Сельхозиздат, 1960.-624 с
26. Лев В, Мирзаахмедов М. Фўзани суғориша еrosti сувларидан фойдаланиш//(Марказий Фарғона мисолида) «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент. 1975. 21 б.
27. Легостаев В.М., Коныков Б.С. Мелиоративное районирование.- Т.Госиздат УзССР. 1950.-168 с.
28. Мирзажонов К-М., Малабоев Н.Э., Умаров Д.Д. Орол буйи ерларининг мелиоратив ҳолати.-Т.: Фан, 1993.-122 б.
29. Макаров А.Ф. Густота стояния хлопчатника и водный режим почвы // СБ. науч. трудов АКООС.-Москва,1930.-С.182-184.
30. Макаров А.Ф., Гельфанд Н.А. Влияние поливов на развитие и урожай хлопка-сырца. // СБ. науч. трудов АКООС. - Москва,1931. - С. 220-222.
31. Мамбетназаров А.Б. Қорақалпоғистондаги сугориладиган ерларни микро гидромодул асосида районлаштириш// Илим ҳэм ондирис интеграцияси аў ыл-хожалығын турақлы раёу ажландырыў дын

тийкары, атамасындағы профессор-оқытыў шылар ҳам студентлердин илимий-амелий конференция материаллары. Нокис.2013, б-26.

32. Мамбетназаров А.Б., Чимбой тумани «Сувчи» СИУ ерларини гидромодул районлаштириш ва ғұзани суғориш тартибини такомиллаштириш//Илим ҳәм ондирис интеграцияси аў ыл-хожалығын турақлы раёу ажландырыў дын тийкары атамасындағы профессор-оқытыў шылар ҳам студентлердин илимий-амелий конференция материаллары. Нокис.2013, б-17.

33. Мамбетназаров А.Б., Новые взгляды на прошлые рекомендации Республиканская научно-практическая конференция НГПИ.-Нукус, 2013.-ст 12-13.

34. Мамбетназаров А.Б., Қорақалпоғистоннинг аллювиал ерлардаги экиладиган янги ғұза навларини суғориш тартибини такомиллаштириш Республиканская научно-практическая конференция. НГПИ.-Нукус, 2013.-Б 13-14.

35. Мамбетназаров А.Б., Агроэкологик муаммоллар ва янги гидромодул районлаштириш. Республиканская научно-практическая конференция НГПИ.-Нукус, 2013.-Б. 16.

36. Мирзажонов К.М., Уразметов Н.У. ва бошқалар. Пахтачилиқда сизот сувларидан фойдаланиш самарадорлиги // Пахтачилик ва дәхқончилик. -Тошкент, 1997. - №2. - Б. 110-112.

37. Мирзажонов К-М., Малабоев Н.Э., Умаров Ғұзани минераллашган сувлар билан суғориш.-Т.: Фан, - 1997.-1106.

38. Мирзажонов К- Б., Исаев С.Х., Очилов Э. Экинларни тупроқ остидан суғоришнинг моҳияти. - Т.: Фан, 2004. - 117 б.

39. Мамбетназаров Б.С. Поливной режим хлопчатника при дождевании в условиях в Каракалпакии//СБ. науч. трудов СоюзНИХИ.- Ташкент, 1980.-С 152-155.

40. Методы агрохимических, агрофизических, микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. -Ташкент, СоюзНИХИ, 1963.
41. Методика полевых опытов с кормовыми культурами. -Москва. Сельхозгиз, 1971.
42. Меднис М.П., Пирманов М. О поливных нормах на засоленных землях Каракалпакской АССР. Хлопководство, № 1. 1969.
43. Нуржанов С.Е. Режим капельного орошения хлопчатника предгорных равнин (На примере Самаркандинской области).: Автореф. дис.канд. техн. наук. -Т.ТИИИМСХ, 2000. - 16.6
44. Рамазанов А., Якубов Х. Промывные и [влагозарядковые](#) поливы- Ташкент:Мехнат, 1988.-С. 106.
45. [Решетов Г.Г.](#) Мелиорация новоорошаемых почв Узбекистана. Ташкент, Мехнат, 1986.- 152 с.
46. Рыжов С.Н. Орошение хлопчатника в Ферганской долине.- Ташкент: АН УзССР, 1948.-196 б.
47. Рыжов С.Н. Оптимальная влажность почв при культуре хлопка.- Москва: Наука, 1940.-186 б.
48. Ражабов Т.Сизот сувларининг макбул сатхи Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 1985-№10.-Б. 55-56.
49. Ражабов Т.Я., Махмудов М. Водопотребление хлопчатника при различной глубине грунтовых вод в условиях Каршинской степи // СБ. науч. Трудов СоюзНИХИ. - Ташкент, 1983. -Б. 25-32.
50. Рахимбаев Ф.М. Хамидов М.Х,- Беспалов Ф.А., Исобоев ва Д.Алиева Амударё қуйи қисмида қишлоқ хўжалик экинларини сугоришнинг ўзига хослиги. - Т.: Фан, 1992. -1676.
51. Рожденский М.Н. Материалы по вопросу о поливах хлопчатника.Ташкент: САОГИЗ, 1933.-1246.
52. Роде А.А. Основы учения о почвенной влаге.-Латвия: гидрометеоиздат, 1965.-185 б.

53. Режимы орошения и гидромодульное районирование по Узбекской ССР, под ред. Легостаева В.М., Медниса М.П.-Ташкент, 1971.
54. Самандаров Э.И. Кадимдан сугорилиб келинган ўтлоқи аллювиал оазис тупроқлар шароитида янги ғўза навларининг хосилдорлиги:к/х.фан.номзодига ёзилган дисс.автореферати.- Т.УзПИТИ, 2005.-16 б.
55. Саримсоқов М.М. Типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг Оқдарё-6 навини экиш ва сугоришнинг самарадор усулларини ўрганиш: к.х. фан. номзодига ёзилган дис. автореферати. - Т.: ЎзПИТИ, 2004.-16 б.
56. Слейгер Р. Водный режим растений. - Москва: Мир, 1970. - 198 с.
57. Стулина Г.В. Рекомендации по гидромодульному районированию и режиму орошения сельскохозяйственных культур//Ташкент.2010. с-38
58. Тиллаев Р.Ш. Пахтачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. - Тошкент, 1996.-№1.-Б. 16-18.
59. Турапов И. Почвенный климат и урожайность. Изд-во Узбекистан, Ташкент, 1977. С. 43.
60. Хамидов М.Х. Сравнительное водопотребление и режим орошения хлопчатника, люцерны и кукурузы на луговых тяжелосуглинистых почвах Хорезмского оазиса: Дис.канд.сел.-хоз. наук.-Ташкент: СоюзНИХИ, 1985.-201 с.
61. Ядгаров А. Режим орошения районированных и перспективных сортов хлопчатника на типичных сероземах. Сурхандарьинской области. / Сб. Науч. трудов СоюзНИХИ. вып. 45, Ташкент, 1980. - С. 20-22.
62. Штойко Д.А. Водопотребление и режим орошения сельскохозяйственных культур //Орошаемое земледелие Украины. - Киев, 1968 -№4. С. 41-43. 2000.- 1686.

- 63.
64. Шредер В.Р. О поливной норме. Хлопководство, № 2, 1963.
65. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан, диссертация на соискание ученой степени доктора географических наук.-Ташкент, 2003.
66. Л.А.Гафурова, С.А.Абдуллаев, Х.Қ.Номозов – «Мелиоратив тупроқшунослик» «Ўзбекистон Давлат Миллий энциклопедияси». Тошкент-2003 й.
67. С.Абдуллаев .Х.Номозов “Тупроқ мелиорацияси” «Ўзбекистон Давлат Миллий энциклопедияси». Тошкент-2011 й.
68. Намозов Х. - «Суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати», «Мехнат» Тошкент 2001й.
69. Норқулов У., Шералиев Ҳ. - «Қишлоқ хўжалик мелиорацияси» ЎЗМЭ Тошкент 2003й
70. Baumann H. Bflanren-Wasserversorgung und Ertragsbildung an Standorten mit oberlachennahem Grundwasser. Wasser a Boden, №12, 1961
71. CROPWAT-a computer program for irrigation planning and management. FAO, 1992
72. Raev M, Petrova T., Tsenov A. Науч. сбор. Суб. Клон Добраг - 2002. с.71-75.
73. www. enesteror@gcnet.ru. «Мелиорация и водное хозяйство» журнали;
74. www:V.P.Korovkin@lsil.ru «Международный сельскохозяйственный журнал»;
75. www.agrovetpress@insdsd.ru «Аграрная наука» журнали;
76. [www.sgp.uz](http://www.sgp.uz)
77. [www.agroworldfood.uz](http://www.agroworldfood.uz)















